



# O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 14 (4516) 2019 ЙИЛ 5 АПРЕЛЬ

## БОРАР ЖОЙИ БЎСТОН БЎЛГАН ДЎМБИРАМ...

9 апрель ~ Сохибқирон Амир Темур таваллуд тоилан куни



### Халқаро бахшичилик санъати фестивали

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида 5-10 апрель кунлари бўлиб ўтадиган Халқаро бахшичилик санъати фестивалини юқори савияда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилади.



Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан бугун бошланаётган нуфузли анжумани кенг ёритиш учун дунёнинг йигирма давлатидан кўплаб журналист ва юртимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.

Фестивалнинг Сурхондарё воҳасида ўтказилишида чуқур маъно бор. Сайёрамизнинг кўлаб ҳудудларида халқ оғзаки ижодига ёшларда эътибор сусайиб бораётган ҳозирги даврда бу қадим санъатнинг но-зик қирралари айнан шу юрда кўпроқ сақланиб қолган. Бир замонлар Шеробод дostonчилик мактабининг доврғи олис ўлкаларга ҳам кенг ёйилган. Ўтган чорак асрга яқин вақтда мамлакатимизда Ўзбекистон халқ бахшиси унвонига сазовор бўлган йигирма саккиз нафар бахшнинг тўққиз нафари айнан сурхондарёлик экани ҳам бунга яққол мисолдир.

Фестивалнинг асосий тадбирлари ўтказиладиган мухташам Санъат саройи ҳудудидаги 32 гектар майдон бутун мамлакатимиз ҳудудларининг миллий қадрият ва гўзал анъаналарини, ноёб санъати ва хунармандчилигини намойиш этиш учун пухта ҳозирланди.


Халқаро фестивалда мамлакатимиз фольклор-шунос олимлари, бахши, жиrow ва оқинлар, санъаткорлар ва бахшичилик санъати мухлислари билан бирга жаҳоннинг етмиш бешга яқин давлатидан уч юздан зиёд меҳмонлар иштирок этади. Фестивалнинг очилиш маросимида 500 нафар ёшлар чанқовуз чалади. Байрам дастуридан ўрин олган ушбу musiқий чиқишда ёш ижрочилар халқимиз урф-одат, анъаналарини ўзида мужассам этган куйни ижро этади.

Фестиваль кунлари вилоят бўйлаб турли маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирларни ўтказиш режалаштирилган. Бу тадбирлар доирасида бахшиларнинг халқаро кўрик-танлови, халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилади. Меҳмонлар олти йўналишдан иборат туристик маршрутлар бўйича тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойларга саёҳатга чиқади. Фестиваль кунлари маҳаллий ва хорижлик меҳмонлар Термиз шаҳри ва туманларда вилоятнинг энг яхши фольклор-этнографик халқ ансамбллари, бахшилар ҳамда маданият марказларининг беш юздан зиёд санъаткорларининг ранг-баранг дастурларидан баҳраманд бўлади.

## ТҲЙГА – ТҲЁНА

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2018 йилда Термиз шаҳрида "Бахшилар мактаби" ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад истеъдодли ёшларни кашф этиш ва тарбиялаш, навқирон авлодни халқ оғзаки ижодининг ноёб ва бой хазинаси билан яқиндан таништириш ва уларни ҳар томонлама кўлаб-қувватлашдан иборатдир.

Халқимизда "Тўйга тўёна билан борилади", деган ибора бор. Куни кеча "Ўзбекистон" нашриётида Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида "Ўзбекистон бахшилари" китоб-альбоми нашр этилиши – Сурхон заминда бошланган нуфузли халқаро фестивалга муносиб тўёна бўлди.



## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ЗИКРИ "РАВЗАТ УС-САЛОТИН"ДА

Тарихий манбаларда Сохибқирон Амир Темур ва темурийларнинг бадий адабиётга, сўз санъати ҳамда бошқа санъат турларига қаратган эътиборлари, яратган мактаблари, ташкил қилган кутубхоналари, улар ҳомийлигида ёзилган асарлар ёки уларга атаб битилган китоблар ва уларнинг қалам аҳли учун ажратган маблағлари ҳамда шеър айтишга бўлган иқтидорлари алоҳида хурмат билан битилган. Бу давр темурийлар Ренессанси деб эътироф этилган. Уларнинг дунё тамаддунидаги хизматларини ёритиб, кўрсатиб берувчи тарихий маълумот, шарҳ ва лавҳаларни тазкира китобларида битиб қолдириш усулини эса мумтоз адабиётимиз тарихида биринчилардан бўлиб Алишер Навоий бошлаб берган.

Улуғ шоир "Мажолис ун-нафоис" тазкирасининг мажмуа характеридаги еттинчи мажлисини Амир Темур ҳамда йигирма бир нафар темурийларга, саккизинчи мажлисини эса мусоҳиби, дўсти Султон Хусайн Бойқаронинг бой адабий, илмий меросига бағишлаган. Еттинчи мажлисда у темурийларнинг ҳар бирини алоҳида фикрларда тилга олар экан, ижодларидан намуналар келтиргани, уларнинг бадий маҳоратлари хусусида ўзининг адабий-танқидий фикрлари, тавсияларини ҳам билдиргани, намуна қилиб кўрсатиб ўтгани ёки баъзи бирларининг ижодига катта умид боғлагани билан боғлиқ тарихий, адабий ҳодисалар адабиётшунослик фанида маълум ва машҳурдир.

Темурийлар сулоласининг сўз санъати, шеърят билан ошнолигини кўрсатувчи ишончли манбалардан яна бири, бу – Фаҳри Ҳиравийнинг 1551–1555 йилларда форс тилида ёзган "Равзат ус-салотин" ("Султонлар боғи") номли тазкирасидир. Муаллиф ушбу нодир асарини Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси таъсирида битган. Ўзбекистонда ушбу тазкиранинг форс тилидан ўзбек тилига илк марта тўлиқ таржимаси истеъдодли олим Жалолiddин Жўраев томонидан амалга оширилган ва нашр қилинган ("Мумтоз сўз" нашриёти, 2014).

## Дўмбира

Дўмбира, жонимнинг томири, Отамсан, оғамсан, эгачим. Кўнглимни кўлдириб, кўйдириб, Кўнглимни энамдай билгичим.

Дўмбира, момолар соғинчи, Ғамига эш бўлган тилмисан. Дўмбира, Ойбарчин севинчи, Алпомош қайтгучи йўлимсан.

Дўмбира, бир қулоч қув оғоч, Бири кам дунёни тўлдирдинг. Танимга руҳимни муҳрлаб, Сўнг яна қайтадан ўлдирдинг.

Дўмбира, қўш торинг қўшилса, Кўнглимнинг камлари тўлгайдир. Оламга қўшиқдай сочилган, Туркийлар йнгилиб келгайдир.

Дўмбира, юрагим наққоши, Бир жонни минг чоғга ташлайсан. Жамини дардингни жамласам, Дўмбира, Ватанга ўхшайсан.

Дўмбира — кўнглимнинг ҳовури, Дўмбира — руҳимнинг шовури. Дўмбира, боболар қўлида Номуси — юкиннинг оғири.

Хўв, бадар карвонлар қайтгандай, Юракнинг черлари кетгандай, Қўш торинг қўшилиб айтгандай, Дўмбира, Ватанга ўхшайсан.

Шодмонқул САЛОМ



## БАХШИЧИЛИК САЊЪАТИ – ЧИН ҲИҚМАТ НАМУНАСИ

Яқин ўтмишда бахшичилик эстетикада санъат тури сифатида расман, илмий тарзда қабул қилинмаган ва халқ оғзаки адабий ижоди қаторида бадий адабиётнинг бир хили, деб ҳисобланган. Бундай "камситиш"нинг сабаби шўро даврида ўзбек миллий эстетикасининг етарли даражада шаклланмагани, унда Оврўпага, тўғривоғи, рус маданияти анъаналарига тақлиднинг ниҳоятда кучли бўлгани билан изоҳланади. Аслида бахшичилик бадий адабиётдан алоҳида мустақил санъат тури. Унинг бадий адабиётга муносабати баъзи адабий жанрларнинг муайян эстетик эврилишлар натижасида бошқа, янги бир санъат турини юзага келтириши ҳодисасига ўхшаш. Чунинчи, санъатнинг бадий адабиёт турига мансуб драматик асар актёр ижроси, режиссёр фантазияси, декорация, musiқа ва бошқа



унсурлар воситасида спектаклга – театр деб номланадиган янги санъат турига айланади. Бахшичилик ҳам овоз ва торли соз воситасида ана шу тахлит бадий адабиётдан ажралиб чиқиб, муайян эстетик қону-ниятлар асосида мустақиллик касб этган санъат туридир. ▶ 5

## ДАШТ ЮЗЛАРИ ҚИЗАРДИ – ЛОЛА

Тоғ этагида ёйилиб ўтлаётган қўйлар сурувини чўпонтаёғига суюниб, четдан кузатиб турган йигитни суҳбатга тортдим. Исми Озодбек экан.

– Шу қўйларнинг ҳаммаси ўзингизникими? Беш юздан зиёд бўлса керак?

– Шунақа. Икки юзтачаси кўзичоқ. Ҳозир қўйлар кўзилайдиган палла, – дея жавоб берди Озодбек узоқдаги қирга ёйилган сурув томон тикилиб.

– Нариги тепаликдаги сурув-чи, ҳамсоёникими? – дедим мен ҳам ўша ёққа қараб.

– У ҳам бизники – икки юзтача. Улар энди кўзилайди, шунинг учун ажратиб олиб, қўтонга яқин яйловда боқаямиз.

– Ҳар чўпоннинг ўзига қарашли яйлови бўлса керак?

– Йўқ, чўпон ўзининг қўтонига, қўрасига эгаллик қилади. Ундан ташқариси элники. Ҳамма истаган яйловда қўй боқади, – дея тушунтирди Озодбек, кейин сўради: –

Эртанги байрамга биз ҳам келсак бўладими? – Албатта, байрам юртники. Кўпқари чопиб, соврин олинлар, – деди ҳамроҳим Жуманазар ака.

Бу йилги кўклам чорва аҳли учун барака, эртанги кунга ишонч бағишлагани чўпон йигитнинг очик чехрасидан, хотиржам гап-сўзларидан яққол сезилиб турарди. Жуманазар ака, йўл-йўлакай, бундаини кўклам 10-15 йилда бир келади, эл орасида "икки баҳор" дейишади; ҳосил ҳам, чорва ҳам яхши бўлади деб изоҳлади, кейин икки баҳорда ёғадиган ёмғир бир баҳорда ёққани учун шундай дейишлигини таъкидлади.

Даштқўтон яйловларида икки кун аввал майдалаб ёққан ёмғирнинг илларига осилиб кўкка интилган ўт-ғиёҳлар бир текис, яшил гиламдай ястанган. Кўқда, қуёш нурида товланган парча-ларча ок, қора, кўнғир тусли булутларнинг тоғларга тегай-тегай деб тургани бу ерлар денгиз сатҳидан анча баландлигидан белги беради. Булутлар оралаб иккита бургут парвози ҳам бизни ҳайратга солди. ▶ 6

## ЭКРАНГА СИФМАЁТГАН ҚУДРАТ

Алломалар таъкидлаганидек, тарихни китобдан ўқиб-ўрганиб бўлмайди, уни кўриш керак. Мустақилликнинг дастлабки йиллари айрим давра суҳбатларида: "Энди оламшумул аллома-ю саркардаларимиз ҳақида ўзимиз фильмлар ишлаб, дунёни лол қолдирамиз" деган фикрлар, яхши ниятлар тез-тез қулоққа чалинарди. Ўзбекистон ҳукуматининг "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги тарихий қарори (1994 йил 29 декабрь)да Сохибқирон Амир Темур ҳақида бадий фильм ишлаш вазифаси ҳам қўйилган эди. Зиёлилар, ижодкорлар ўртасида яратилажак фильм ҳақида қизгин баҳслар, муҳокамалар бўлиб ўтгани ёдимизда.

Ниҳоят, ҳозирги Алишер Навоий номидаги санъат саройида орзиқиб қутилган кинофильм намойиши бўлди. Афсуски, фильм премьерасидан сўнг узоқ қутилган қувончли ҳолат юз бермади. Бу фильм такрор-такрор кўрганда ҳам малол келмайдиган, ёш авлод қалбида

фаҳр-ғурур уйғотувчи, хорижликларда ҳавас ва ҳайрат уйғотадиган даражада эмасди...

Киношовозларнинг Сохибқирон Амир Темурдек улуғ зот ҳақидаги кинога бунчалик энгил-елли ва уквусиз ёндошувлари одамни ҳайратда қолдиради. Ўша кинода "Камаз" автомашинасининг гилдиракларини ёқиб, тепа-

### Кино санъати муаммолари

лиқдан думалатилгани ва Амир Темурнинг отини қоядан арқон билан тортиб олинган жойлари киночиларимизнинг фаҳм-фаросати ва савиясини "фoш" қилиб қўйди. Фақат бугина эмас. Сохибқироннинг улугвор сиймоси, донишмандлиги-чи? Ҳаракатларнинг кенг қўлами, улкан жанг манзаралари, жанговарлик, ҳашамат... каби жиҳатлар бу кинода акс этмаган. Фаҳр туйғусини уйғотувчи, одамни ҳайратлантирадиган, узоқ вақт ёдда сақланадиган лавҳалари йўқ... ▶ 2

БАХШИЛАРИНГ ДОСТОН АЙТСА...



Халқаро бахшичилик санъати фестивали она Ватанимизнинг маданият, санъат ва адабиёт соҳасидаги салоҳияти нақадар улғу эканини жаҳон ҳамжамиятига намойиш этиши тайин...

Бахшиларнинг думбича чалиб достон айтган овозини тинглаганда томтирларда қон жушиб, бутун вужуд титраб кетади, юраклар симобдай эрийди, мардона тебранма овоз кулоқларга мойдай ёқди. Дарахларнинг шувуллаши, довулларнинг гувиллаши, денгиз тўлқинларининг тошиши, отларнинг кишнаб югуришларини ҳис этаман ушбу ноёб ва бетакрор товушларда.

Бахшиларнинг достон айтса, дилга ором, Адо қилган қирқ кечаю кундузларини. Томга чиқиб, ушлаб олсанг бўлар оқшом Чарақлаган катта-катта юлдузларини. Биз Алпомиш, Гўрўгли, Авазхон, Рустамхон каби халқ достонлари қаҳрамонларига ҳавас қилиб ўсиб-ўлғайганимиз. Бахшилар куйлаган Тарлон бия, Бойчибор, Фирот каби тулпорларга меҳримиз ортган. Барчиной, Қалдиргочойим, Юнус пари, Мисқол пари сингари соҳибжамоллар ёримиз бўлишини орзу қилганимиз. Аналаримиз, опа-сингилларимизни, Ватанимизни достонлардаги ботирлардай ҳимоя қилишга аҳду паймон этганимиз. Шундай қилиб эр этганимиз, йигит бўлганимиз.

Шу ўринда мулла Мусурмон бобомнинг отаси Йўлдош бобо бахши бўлганини айтиб ўтай. Мен бахши бобомни ҳаётда кўрмаганман. Лекин қандай достон айтганини отамдан, амакиларимдан эшитганман. Йўлдош бахши завқу ҳаяжон билан, юракни титратадиган дарду фиғон билан достон айтгани учун у кишини Афғон шоир дейишар экан. Бобом думбичарни олиб, бир уй мухлислар орасида уй тўрида ўтириб достон айтarkan. Завқланганидан силжиб-силжиб айтиб, бўсагага келиб қоларкан. Кейин яна уй тўрига бориб ўтириб, достон айтишда давом этавераркан. Бу ҳолат кўп такрорлар, лекин достонга махлий томошабинлар бунни сезмаскан.

Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказибтган Ватанимиз жаҳон ҳамжамияти назарида янада юксалди. Бахшичилик санъати ривожига қаратган Ниҳоятда катта эътиборлари учун Президентимизга мингдан минг раҳматлар айтаман. Одам Отанинг наслига беник бўлган тоғларим, Момо Ҳавонинг наслига ошиқ бўлган боғларим, Авиллар исси келган муътабар тупроқларим, Охува-ҳай, Ватаним-ай, Охува-ҳай, Ватаним!

Кундуз кўш, кечалари ой берган-ей, ой берган, Қирқ кечалаб қўноқ бериб, тўй берган-ей, тўй берган, Меҳмонларга уй тўридан жой берган-ей, жой берган, Охува-ҳай, Ватаним-ай, Охува-ҳай, Ватаним!

Рустам МУСУРМОН, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

АЖДОДЛАРГА МҶНОСИБ ВОРИС

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир сайё-ҳаракат замирида улкан эзгу-ниятлар муҳассам. Инчунин, минг йиллардан зиёд тарихга эга бахшичиликка берилган эътиборда ҳам мана шу эзгу ниятни кўриб турибмиз. Бизлардан катта авлодлар, қолаверса, бизлар ҳам тўйларда бахшилардан достонлар тинглаб ёки уйда момоларимиздан эрталаб эшитиб ўлғайганимиз. Фарзандларимиз, ёшларимиз ҳам бой халқ озаки ижоди намуналари билан қанчалик ошно бўлишса, улар аждодларга шу қадар муносиб ворис бўлиб воёга етади.

Юртимизда ўтказилаётган халқаро даражадаги бу фестивал биринчи қадам. Бахшиларимиз бундан қирқ-эллик йиллар аввалгидек кўпроқ халқ ичиди бўлишга, тўй-дарахларда иштирок этса, достонларимиз китоблар, аудиоёзувлар ва бошқа воситалар орқали кўпроқ тарғиб этилса, мақсадга мувофиқ бўлади, албатта. Утган йилги Қирғизистонга қилган сафаримиз давомида кўпгина мактаб ва олий ўқув юртиларда бўлди. Бир нарсадан хайратландимки, қайси билим даргоҳида бўлмайлик, талабалар ҳамда ўқувчилар "Манас" достонидан парчалар куйлашди. Саниги, бу жуда-жуда ҳавасимизни келтирди. Бўлиб ўтаётган фестивал ёшларимизда миллий қадриятларимизга, бой меросимизга қизиқшни оширишига шубҳа йўқ.

Сирожиiddин РАУФ, "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мана, орадан йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтди. Биринчи уринишда "қовун туширилгани" учми, ўшандан бери бошқа тарихий фильм ишлаш тугул, бунга ҳаракат ва хоҳиш ҳам кўзга ташланмади. Бир марта ишончли йўқотиб, уни тиклашга ҳаракат сезилмас, одамларда ишонсизлик пайдо бўлиши табиий.

Бугун Амир Темури ҳақида битта-яримта ишланган ҳужжатли фильмлар ҳам "ойнаи жаҳон"да кўйилмайди. Тўғри, кейинги йилларда ёшлар-боп қилиб суратга олинган кинолар кўпайиб қолди, кино саройлари томошабинлар билан тўлди. Бу киноларнинг аксариятида ёш кўшиқчилар роллар ижро этишди, уларда енгил-елли воқеалар, муҳаббат моҳиролари ва фарбча ҳаётга тақлид акс этган. "Мулла билганини ўқийди", дейилганидек, бойларнинг тор шим ва майка кийган эрка қизлари антика машиналарда, танқосчилар кузатувида юргани, оқиқ-соқиқ "муҳаббат" саҳналари киночиларнинг "бош плани"га айланди. Афсуски, ҳар қанча кўп томошабин кирмасин, бундай кинолар кишида фарҳ уйғотмайди, ёшларимизни ватанпарварликка, тарихдан гурулланмишга ўргатмайди. Енгил-елли кинофильмлар ёшларни фикрсизлик, ориятсизлик, тақдирчилик каби иллатларга етаклайди.

Кореялик киноусталарнинг тарихий мавзудаги бир неча кинофильмларини кўрдик, турк киноижодкорларининг тарихий сериалларига ошфута бўлганимиз ҳам сир эмас. Турк биродарларимиз, таъбир жоиз бўлса, дунёни шу сериаллар орқали бугун "забт этишяпти". Афсонавий қирол Артур ҳақидаги, ўзбекчага маҳорат билан ўғирланган машҳур фильмни кўпчилик кўрган. Қайта-қайта кўрганда ҳам меъдага теғмайди, одамни ўзига оҳанрабодек тортади. Сабаби, жуда меҳр ва ҳафсала билан ишланган. Олижаноб рицарларнинг кийимлари, қуроллар, саройлар – барчаси табиий ва ишончли чиққан. Шиддатли аккама-якка олишувлар, катта жанг саҳналари, қиличбозлик ва жанговар санъат саҳналарини кўриб, қойил қолмай илож йўқ. Қиличларнинг жаранги ҳақиқий, яроғларни шиддатли сермаганда гувиллаган овоз – ҳақиқий. Фильмни кўрган, қирол Артурга, умуман, инглизларга, уларнинг тарихига ҳурматимиз ошди. Афсуски, шундай гуруру ўғрутичи тарихий фильм яратиш тажрибаси бизда ҳанузгача шаклланимади. Миллатимизнинг улғу сиймолари ҳақида бугунги талабаларга жавоб бера оладиган тарихий фильмлар яратилмаса фарзандларимиз ўзга халқлар қаҳрамонларига ҳавас қилиб ўлғаверади. Бу ҳақда ҳозир ўйла-масак, кейин кеч бўлади.

Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг тузуқлари кудратли мамлакатни, салтанат ва қўшинни бошқаришда дабтуриламал бўлган. Соҳибқирон ушбу тузуқларни яратишда халқимизнинг азалдан мавжуд ўрф-одатлари, анъаналари, маданияти, қадриятларини ва динни асос қилиб олган. "Темури тузуқлари" ҳаётини бой тажрибалар ила сайқалланган. Шу боис темурийлар даврида кўплай адабиёт ва санъат асарлари яратилди. Мовароуннахронинг барча шаҳарларида илм-фан, маданият, санъат билан бир қаторда меъморилик ҳам ривожланди. Салтанат маркази бўлган Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида салобатли бинолар, осмонўпар миноралар, масжидлар, гузарлар барпо этилган.

"Темури тузуқлари"да соҳибқироннинг "Куч – адолатда" деган машҳур шиори ўз ифодасини топган. Шу боисдан маъзур шоҳ асар олти асрдан буён дунё жамоатчилиги эътиборини тортиб келмоқда. У бир қатор ҳукмдорлар учун дастуриламал вазифасини ўтаган. "Тузуқлар"да наинки сиёсатни юритиш, тараққиёт калити, балки комил инсон гоёси ҳам муҳассам.

Адолат бор жойда жаҳият пойдевори мустаҳкам бўлади, одамларнинг давлатга ишончи ортади, мамлакат тараққиёт этади. Ушбу қикматни давлат бошқарувининг ус-тувор тамойили, деб билган Президент Шавкат Мирзиё-

в, 2017 йил 22 декабрда Олий Махлисга Мурожаатномасида "Мен бир фикрни такрорлашдан қарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатли ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг

Хозирги ёшлар кўпинча фалон китобни ўқганини эмас, балки "киносини кўргани"ни айтишди. Шундай экан, нега уларни ўз тарихимизга, буюк аждодларимизга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат руҳида кино санъати, миллий телевидениемиз, қолаверса, ўша "диск бозорлари"миз воситасида тарбиялаб олмаймиз? Енгил-елли сериаллар орқали фикри шаклланаётган ёшлар, ўз халқи тарихи, ўтмишини билмаган, ҳаётини хориж сериаллари қобигида тасаввур қилаётган авлоддан келажақда қандай қилиб Жалолитдинлар, Амир Темурлар, Беруниро Фарғонийлар қиксин. Оламшумул ватандошларимизнинг ҳар бири ҳақида 50-100 қисмли сериалларни суратга олиш наҳотки шунчалик қийин бўлса?

Буюк аждодларимиз ҳақида замонавий талабларга жавоб бера оладиган тарихий фильмлар

ишлаш ҳақида гап кетганда, киночиларимиз кўпинча қуйидаги учта сабаб (баҳона)ни келтиришади: "бунинг учун катта маблағ керак. Бизда ундай катта гул йўқ", "яхши сценарийнавислар ва сценарийлар йўқ", "тарихий мавзуларда фильм олишга ҳали эрта, малакали мутахассислар йўқ". Бу баҳоналарга қўшилиш қийин. Наҳотки юртимизда битта сифатли фильм яратиш учун зарур моддий, илмий-ижодий потенциал бўлмаса? Ҳаммаси бори! Гап савия, хоҳиш, билим, маҳорат ва укувда, холос.

Маблағ йўқлиги бугун асосли сабаб бўла олмайди. Ҳеч қайси юртдагидан кам бўлмаган, монанди йўқ маҳабатли бинолар, шаҳарлар барпо этаётган давлатимиз бойлик-фаровонлик борасида бугун ҳеч кимдан кам эмас. Бизнингча, ҳамма гап ишончда. Яхши фильм ишланмишига ишонч бўлса, давлат маблағидан ташқари, банклар, улкан корхоналар, автобозору автосалонлар, "Бек баракка", "Абу Сахий", "Жаҳон бозори" каби бозорларимиз, ташкилотлар, тадбиркорлар, оддий ҳамюртларимиз – халқимиз қараб турмайди, бу савоб ишга баҳоли кудрат ҳиссасини қўшилиши аниқ! Чунки гап навабдаги енгил-елли кино ҳақида эмас, балки миллий гуруру ва орият ҳақида кетмоқда.

Шундай ташаббуси бошланса, "Korinka uz", "Redtag" каби салобатли супермаркетлар ҳам хомийлик қилишга кимўзага тушиб кетишар, балки?.. Негаки, давлатимиз ва миллатимизни янада машҳур қиладиган фильм олиш – умумжаҳият аҳамиятига молик вазифа! Гап фақат ишни ошқора ва юксак савияда ташкил қилишда. Қолаверса, фильм сўнгида уни яратишга салмоқли ҳисса қўлган ҳомийларнинг рўйхати эълон қилинса, бу билан фахрланмай бўладими?

Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида ички ва ташқи туризмни янада ривожлантириш, зиёратчилар оқимини кўпайтириш мақсадида қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилгани таҳсинга сазовор. Мажмуага кираришда автоуловлар тўхташ ва саклаш жойлари, шпедлар йўлакларини тартибга келтирилган. Ёши улғу ёки нотирон зиёратчилар учун махсус аравачалар

миз турбати атрофида тартиб билан дарахлар ўтказилди. Кириш йўлакларини тоза, озода. Келиб-кетувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Буюк аломо, фақиҳ Абу Лайс Самарқандий зиёратгоҳига бордик. Бу аломо-маннинг исми Наср ибн Муҳаммад бўлиб, миловди 910 йилда мусулмон дунёсининг илм-маърифат ўчоғи бўлган Самарқандда туғилган. Фақиҳ – барча исломий илмлар билимдонли маъносига ҳам қўлланади. Абу Лайс Самарқандийнинг "Имомул ҳуд" яъни "Ҳидоятта бошловчи имом" деб ҳам эътироф этишган. Айтишларича, Абу Лайс ҳазратлари "Танбехи гофилийн" китобини тасниф қилган чоғлари кечаси Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам пайгамбаримиз ул зотнинг

БЕПОЁН МАЪНАВИЙ УММОНЛАРИМИЗ

хизмати йўлга қўйилган. Зиналардан юқори-га кўтарилиш учун таянч-ушлагичлар ўрнатилган, зиёратчилар дам олиб ҳордиқ чиқариладиган ўриндиқлар қўйиб қўйилган. Диний ва дунёвий китоблар ўрин олган кутубхона ташкил этилган. Бу ерда Самарқанд тарихини сув қилиб ичиб юборган (ҳар ҳолда мена шундай туғилди) гил-тарихи-монлар зиёратчиларга хизмат қўрсади.

Бир олам таассуротлар билан йўлимизда давом этамиз. Кейинги зиёрат манзилимиз мотрияди оқимининг асосисини, Ислом оламида «Имом ал-ҳуд» (Ҳидоятта бошловчи имом) ва «Имом ал-мутакаллим» (Калом олимларининг имоми) деган шарафли унвонлар билан машҳур бўлган буюк фақиҳ, шайх Муҳаммад ибн Махмуд ал-Ханафий ал-Мотуридий раъса-си бўлди. 2000 йилда аломанинг 1130 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Шу муносабат билан шўр даврида оёқоти бўлган Чокардиза қабристонини обод қилинди. Имом Мотуридий қабри устида улкан мақбара барпо этилди. Улуғ аждод-

Албатта, бу каби салмоқли фильмларни бир ой ёки йилда суратга олиш қийиндир. Балки, аввал мултфильм шаклида иш бошлаш маъқулдир? Бу ҳақда тажрибали мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланса, фильм сценарийси газета-журналлар ва ТВ орқали мухтасар шаклда эълон қилинса, кино бюджети, қўлланадиган компьютер анимациясидан айрим лавҳалар ва шунга ўхшаш зарур эҳтиёжлар учун харажатлар аниқ-тиниқ маълум қилинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Муайян муддат оралиғида тўлган маблағ ва унинг айдан нималарга сарфланаётгани ҳақида ҳолис ҳисобот бериб болирса. Масалан, декорациялар учун қурилиш ашёлари, тарихий кийим-кечак, қурол-яроғ кабиларнинг аниқ сони ва нархи эълон қилинса.

Кино санъати муаммолари

Харажат катта бўлади: ҳашаматли тарихий шаҳарлар манзарасини қуриш (жумладан, Оксаройни ҳам бутун маҳобати билан кўрсатиш зарур), йигирма минг чодирдан иборат кўча шаҳар, жанговар фильм, қўшинлар саф тортиган улкан жанглар манзараси, яқирган ҳақиқий қиличлар, "учаётган камон ўқларидан осмон қорайиб кетиши", бир хил жанговар либослар, деворбузар машиналар, тўплар ва ўтсочар(мушкет)лар ясаш...

Бу иш қизикарли бўлишидан ташқари, муҳокамаларда билдирилган тақлиф-мулоҳазалар асосида фильмнинг айрим кам-қўстларини бартараф этиш мумкин бўларди.

Оммавий (жанг) саҳналардаги чавандоз ва сарбозлар ролини бугунги арслонкелбат аскарларимиз қўйилмақом қилиб уддалашлари мумкин. Қўшиннинг жанговар ногоралар садоси остида сафланмиши, марказ, жавонгор, авонгор, баронгор, манглай, канбул, заҳира каби қисмларнинг кўриниши, жанг тартиблари яққол акс этиши томошабинни бефарқ қолдирмайди. Шаҳар ва қасрлардаги ҳашаматлар томошабинда катта таассурот қолдиради, хотирада узоқ сақланади. "Алломиш" киносидаги ўхшаш, ҳилпирлаган арзон хитойи матолардан кийимлар тиктириш ярамайди. Бугунги томошабинни алдаш жуда мушкул. Хатто чет элчиларга ўхшаш, фильмга тайёргарлик қўриш ва кинони суратга олиш жараёни ҳақида ҳам алоҳида ҳужжатли фильмлар яратса бўлади.

Жамиятимизда Соҳибқирон бобомиз сиймоси тўрсида ниҳоятда юксак тасаввур шаклланганки, бўлажак фильмга шунга мос юксак талаблар қўйилиши табиий ҳол. Таъқидланганидек, бу фильмни шошма-шошарлик билан яратиб бўлмайди. Ишни кенгашиб, ҳамма жиҳатлар

ҳисобга олиниб, кенг қамровда ташкил этиш, энг асосийси, ҳар бир ташкилий ишга масъулиятли ва ҳалол ишбошчиларни тайинлаш лозим. Фильм ижодий гуруҳига киночилар, ёзувчилар, тарихчи олимлар, санъатшунослар, бастакорлар, дин вакиллари, ҳарбийлар, меъморлар, муҳандислар – жуда кўп соҳа вакилларини киритиш зарур.

Бу фильм шунчаки тарихий-бадиий ижод маҳсулигига эмас, балки маънавий, мафкура ва миллий ғоя тарғиботи борасида олға ташланган жуда катта қадам, улкан тарбиявий восита бўлиб қолмиш зарур. Фильм бошидан охиригача ўтадиган ғоя – исломий рух, эътиқод, адолатпарварлик, ҳаққоният, халққа ғамўрлик, бунёдкорлик, авлодларга юксак ибрат каби фазилатлар ўта таъсиранч лавҳаларда кўрсатилиши

зарур. Яхши сценарийнавислар ва сценарийлар йўқ, деган фикр ҳам асоссиз. Нуфузли танлов эълон қилинса, бир-биридан зўр сценарийлар ёзилиши шубҳасиз. Шундан сўнг, уларнинг энг яхшии муътабар ҳайбат томонидан холислик ва адолатли тарзда танлаб олинади. Ёзувчилар уюшмасининг олти зў нафардан зиёд аъзоси бор. Шунча қаламқашлар орасидан бир нечта зўр сценарист чиқмайдими? Мухими, бу ишда таниш-билишчилик, ёши, унвони ва мансабинини эътиборга олиш каби ёндошувларга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Тарихий мавзуларда фильм олишга ҳали эрта, малакали мутахассислар йўқ, деган гап кишини бироз ўйлантириб қўяди. Пиротехниклар, чавандозлар, ҳарбий масласхатчилар, дин вакиллари, тарихчи ва ёзувчиларни жамлаш осон. Лекин Соҳибқирон Амир Темур ролини ким ўйнайди? Ягона мақсад сари жамоавий ишлашга қодир режиссёрлар маҳорати жуда муҳим. Фильмга қўйиладиган эрта катта талаб ҳам шу бўлса, ажаб эмас. Албатта, ниҳоятда улғувор қиёфани акс эттириш, шунга мос улкан истеъдод эгасини тақозо этади.

Амир Темурдан ташқари, унинг атрофидаги жанговар сафдошлари – амирлар сиймосига ҳам жуда катта эътибор қаратиш керак бўлади. Амир Шайх Нуриддин, амир Шох Малик, амир Ики Темур ва амир Жоку Барлос... Уларнинг ҳар бири алоҳида истеъдодли, катта маҳоратга эга ҳарбий саркардалар бўлишган. Бу амирларнинг образлари кинода аниқ талқин этилиши жуда муҳим.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

"ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ" бебаҳо қўлланма



ев, 2017 йил 22 декабрда Олий Махлисга Мурожаатномасида "Мен бир фикрни такрорлашдан қарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатли ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг

асосий вазифамизга айланиши шарт", дея алоҳида таъкидлаганди.

"Темури тузуқлари" — Амир Темурнинг давлатни бошқариш услуби ва ҳарбий санъатига бағишланган ноқир асар ҳисобланади. Бу асар ҳар бир усмирнинг кўнглида Ватанга муҳаббат, буюк аждодларимизнинг аслида ким эканлигини ва кимларнинг фарзанди эканлигини ҳис этишида асқотади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондониди муҳтарам Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 28 ноябридаги Ҳавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган махлусида: "...Аскарлар ҳарбий қасамдە қабул қилишдан олдин, албатта, Ўзбекистон тарихи ва "Темури тузуқлари"дан синов топшириши керак..." деб таъкидлаган эди. Соҳибқироннинг Ватанга садоқат, юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик бобида қилган ўғитлари ёш авлод учун катта сабоқ бўлади. Бобомиз сингари мард, қатъиятли, бир сўзли, адолатпарвар, ўз халқига садоқат тимсоли сифатида гавдаланадиган комил инсон бўлишга интилиб яшаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Хусан ҲАЙТОВ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ўқитувчиси, подполковник

га бўлган муҳаббат, эҳтиром, боболарга ҳос фазилат муҳаббатидан далоятларидир. Албатта, бу ҳар биримиз учун ибрат бўлиши керак. Давлатимиз раҳбари бу масканларини обод қилиш, «Етти пир» ҳақида китоб яратиш, уларнинг маънавий меросини тарғиб этиш зарурлигини таъкидлади.

— Бундай маънавий ҳазина бошқа ҳеч қерда йўқ. Бу ҳазинани мукамал ўрганиши, одамларга, ёшларга осон тилда етказиш керак. Мақсадимиз — ёшларимиз ўзининг алоамонларга эргашсин, меросини билсин, улар билан фахрлансин, — деди Президент.

Мамлакатимиздаги ҳар бир улғу зотнинг зиёратгоҳини обод қилиш, улар ҳақида китоблар тасниф этиш бугуннинг энг муҳим кечиктириб бўлмайдиган ишидир. Зотан, улғуларга эҳтиром кўрсатиш киши дунёқарашини, тафаккурини, иймон-эътиқодини юксаттиришга хизмат қилади. Асосий масала ҳам шу. Қашқадузуь заминидagi икки улғу пир, муриши комил Мавлоно Муҳаммад Дарвеш ҳамда Мавлоно Муҳаммад Имканигарий ҳақида олгина сўз юртмўқимдан. Имканигарий ҳазратлари силсила омонатини оталари Муҳаммад Дарвешдан олганлар. У зот эса Мавлоно Муҳаммад Зоҳиддан, у киши эса Хожа Аҳрор Валидан олганлар. Бу икки улғу тарикат пирининг мақбаралари Китоб туманидаги Ҳужасмқон ҳамда Ҳужаспароз қишлоқларида жойлашган. Ушбу тарикат пешволари 1500-1600 йилларда яшаб ўтишган.

Биз тилга олиб ўтган юртимизнинг улғу масканлари обод қилинса, аввало, ёшларимиз катта маънавий соҳиб бўлишди. Зиёратчи ва сайёҳларга яратиб берилган имкониятлар сайёҳларнинг янада қўнайишига сабаб бўлади. Бу эса иқтисодий юксалиш дегани. Ва энг муҳими, ҳақи юқорида айтиб ўтганимиздек, халқро туризм тараққитига, ва, албатта, миллатлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги илқ муносабатларини пайдо қилишга катта аҳамият касб этади.

Ғайрат МАЖИД

Тошпулат АХМАД

# ТОНГ ГЎЗАЛ, ТОНГ БАХРИ НУР



Авлиё шаҳар

(Ҳожи Муҳаммад Рафиқов ҳикмати)

Бухорои шарифла, дўстим,  
Яшмоқнинг ўзи буюк бахт.  
Муродига етолмас ҳеч ким,  
Бунда юрса лоқайд ё қарахт.

Бешиқдан то қабрга қадар,  
Ким иймони тоза тутмаса,  
Аллоҳ номин ҳар шом, ҳар сафар  
Юрагига муҳр этмаса,

Бўлсин муқдор, бўлсин амалдор,  
Дунёни ҳам сўраб турса ул.  
Барча жаҳду жавлон бекор,  
Барча илму амали бир пул.

Бу табаррук заминнинг, ахир,  
Ҳар бурчида пок руҳлар кезар.

Қаламимиз тўғрими, эгри —  
Улар бизни ҳар он кузатар...

Ниғоҳимиз софдирик, Эгам,  
Бизни суяр то рўзи маҳшар.  
Шу бондан Бухорони ҳам  
Атағимиз авлиё шаҳар.

## Мағрур ўтиши аниқ

Ҳасадгўйнинг боғида қушлар асло сайрамас,  
Ҳасис солган япроқда қуртлар пилла урамас.  
Лоқайдга ушбу дунё борса-келмас роҳ эрур,  
Қоқилиб-йиқилсанг-да, ҳолинг не деб сўрамас.

Таъмағирнинг тошидан филнинг бели майишар,  
Бенқидор кимсалар бир-бирига қайишар.  
Иъвоғару тухматчи ўпишиб, ҳар замонда  
Иймоннинг томирига захри бўҳтон қуйишар.

Шулар дастидан гоҳо кўнгил тори узилар,  
Хаёли покнинг эмас, хонумнинг бузилар.  
Қалдирғочнинг инига илон ўрмалангандай,  
Жисму жонинг эзилар, ҳам жаҳонинг эзилар.

Лек зулмат бағрин ситиб, тонгнинг отиши аниқ,  
Жумла қабҳатларнинг муздай қотиши аниқ,  
Кимнинг кўнглида Ҳақ бор, баралла айт, Аҳмадий,  
У нур тараб оламдан мағрур ўтиши аниқ.

## Гулбаданбеги

Бобуршоҳнинг юрак қони — Гулбаданбеги,  
Хумоюннинг сингилжони — Гулбаданбеги,  
Ақбаршоҳнинг аммажони — Гулбаданбеги,  
Менинг эса бибижоним, Гулбаданбеги!

Бу дунёнинг кўп кўрдингиз паст-баландини,  
Элу юртнинг қалбаг босиб ғам-аламини,  
«Танга жоним Андажон» деб оху дудини,  
Эшитгансиз, дилу жоним — Гулбаданбеги.

Сиз бебаҳо муаллимсиз, доно, меҳрибон,  
Муаррихсиз — шамчироқсиз, яъни нуқтадон,  
Ҳар лафзингиз — меҳриғиё, йўлингиз равон,  
Диллафкорим, меҳрибоним, Гулбаданбеги.

Сиз айтгансиз: «Бобурнома» — ҳайратномадир,  
Ул юракдай мисли кўзгу — сийратномадир,  
Шавкатнома, давлатнома — ҳасратномадир,  
Райҳон гулдай бибижоним, Гулбаданбеги.

Ҳинд мулкида туриб дейсиз: халқим, соғ бўлгин,  
Турунмисан, ягонамансиз, доим соғ бўлгин,  
Чашмаларинг хумор-хумор дейсиз: тоғ бўлгин,  
Эй сиз менинг бибижоним, Гулбаданбеги!..

## Ғанимат бил

Эй кўнгул, тонг уйғонур,  
сен ани ғанимат бил,  
Хуш саболар кўзгалур,  
сен ани ғанимат бил.

Булбули зор сайраур,  
майсалар, гулгунчалар  
Тебраниб, шод чайқалур,  
сен ани ғанимат бил.

Қирғиғу кўзин очиб,  
лопаранга ажаб,  
Қир-адирлар чулганур,  
сен ани ғанимат бил.

Олис тумандаги биродаримиз вафот этди. Институтда ишловчи курсдош дўстим Даврон бориб келишга беиннат машина топганини, мени эрталаб уйдан олиб кетишини айтди.

Тонгда «Ласетти»да Қўшрабтога жўнадик. Машина уникан бўлса-да, тозалаб ювилган, хатто атир ҳам сепилган, орқа ўриндиқдаги сандиқча-сида газсиз сув ва елим стаканлар қўйилган.

— Исомиддин шогирдим, — дея изоҳ берди домла, — фаросатли йигит. Машинани ҳам зўр бошқарилади. Бориб келганингизни билмай қоласиз, жўра.

— Устоз, уйдирманг. Сиздек инсонларга хизмат қилишни ҳар бир киши истайди. Қолаверса, ёшларнинг бурчи бу.

— Эрталаб эстрададан кўра кўна наволар яхши-да, устоз, — деди у. — Сокин, маънили, кишига хузур беради.

Кўнглимдан ҳақиқатан ҳам ақли йигит экан, деган ўй ўтди. Исомиддин тўғри айтган экан. Кечаси уйкуси чала бўлганми, билмадим, домла дўстим

# ШОГИРД

У асли Оқдарёдан экан. Институт пахта йиғим-теримига ҳашарга келганда Даврон домла билан танишиб, оғайни бўлиб қолган, отасининг совғаси ҳисобига ўқишга киришди уни қўлаб юборган. Мен йигитнинг Давроннинг кафедрасида ишлашини таҳмин қилиб, гапни ўқитувчиларнинг бир-бирига муносабатидан бошладим.

— Баъзи ҳамкасбларингизнинг ҳаракатларига беш кетмаепман-да, ука.

— Қайси ҳамкасбларимни айтаяпсиз, ака?

— Кимни бўларди, домларани-да.

— Тинчликми ўзи, бирортаси хафа қилдимми?

— Хафа қилгани-ку йўқ, аммо битта танишимга бир домла жиянимга паст баҳо қўйгани, унинг комиссияга имтиҳон топшираман, деган ҳаракати қаршилиқ кўрсатаётганини айтдим, домлага бундай қилмаслигини маслаҳат беришини сўрадим. У эса «Мен бу ишга аралашмайман, жуда тарафқаш домла», деди. Ноҳақликка шу қадар кўникиб кетишганими-а?

— Домларар ўзи уч тоифага бўлинади, — деди суҳбатдошим. — Билмиш зўр, лекин ўжарлари бор, дарсини яхши ўтса ҳам кўнглига сал ёқмаганига баҳо қўймайди ёки паст баҳо қўяди, дарсада арзиманган камчилигига пичинг, киноя қилаверади. Иккинчи тоифаси «катта»ларнинг илтимосини яхши кўради. Учинчи тоифаси чаток. Тарафқашлар улар, бир-бирининг «одами»-ини йиқитиш, қийнаш билан овора. Уртада боқийш талаба азоб чекади.

— Талабаларнинг ичида ҳам берилиб ўқийдиганлари камайиб кетаяпти-да, ука, — лўкма ташладим.

— Э, нимасини айтасиз, ака. Контракт тўлайдиганларнинг кўпчилиги пул топиш учун ишлайди. Бошқалари ҳам машғулоти зерикарли ўқидиганларнинг дарсига кирмасликка баҳона қидиради. Кейин менга ўхшаган «танка» қидиришади.

— «Танка»лик ҳам қиламан, денг...

— Хожатбарорлик денг, ака. Савоб иш бу.

— Йўғ-ей.

— Ҳа-ҳа. Айрим домларани гапга олиш осон эмас. Аҳволни тушунадигани бор, тушунмайдигани бор. Ахир, чақалоғи бор, ота-онаси касал болалар ўқишдан ҳайдалиб кетса яхшимми? Айрим домлар имтиҳонининг баҳо-ҳоси белгиланган. Улар билан ишлаш осон. Бир хафта олдин талабалар ихтиёрли пул тўлаб беришади, мен эса «зачётка»ларга баҳо қўйдираман.

Суҳбат кизиган сари юрагимга оғриқ кира бошлади. Қайсидир асарда ўқиганман бундай воқеаларни, ё кинода кўрганманми, ишқилиб жуда таниш-да. Бир томондан жаҳлим чиқиб, томоғимга бир нарса тикилиб келаяпти, иккинчи томондан эса, ундан кўпроқ ахборот олиш қитириғи тинчлик бермайди. Боласи тушмағур хизматга чаққон экан. Фотиҳадан қайтишда йўл четидаги бир ошхонага етганда тўхтатди. Чиройли дастурхон уюштирди. Даврон домла билан бола-чақадан гаплашган бўлдиқ. Кейин яна йўлга чиқдик. Исомиддин кечкурун уйимгача келтириб қўйди.

— Раҳмат ука, сафаримиз жуда яхши ўтди.

— Соғ бўлинг ака, хурматингиз бор. Мабодо бирор жойга бормоқчи бўлсангиз, бемалол телефон қилаверинг, хизматдаман.

— Йўғ-ей, сизни ишдан қолдирмайин.

— Ака, мен ишламайман. Ҳар учинчи курсда ўқийман. Машинамда ҳафтада икки кун Тошкентга қатнайман. Домларани маърака, тўйларга оборамаман. Так чот, тортинманг.

— Ие, сиз ҳали талабамисиз, мен Давроннинг кафедрасида дарс берсангиз керак, деб ўйлабман.

— Дуо қилинг, ака, ўқинчи битирайлик, дарс ҳам берармиз.

Дуо қилишни ҳам, қилмасликни ҳам билмай турганимни сезди, шекилли, «Бўпти, ака, омон бўлинг», дедию машинасини юргизди...

## Фармон ТОШЕВ



Бир воқеани менга сиҳатгоҳда дам олиш чоғида намозхон дўстим Нуриддин хожи айтиб берганди. ...Хамроқул билан институтда бирга таҳсил олганмиз. Гапимиз бир-биримизга мос тушгани учун

тўрт йил ижарада ҳам бирга турдик. Жуда маданиятчи ва интизомли йигит. Ўқиш давомида бирор соат ҳам дарс қолдирганини эслаб олмайман. Унинг имтиҳонларга бутун вужуди билан тайёргарлик кўриши, хатто эрталаб уйғонганда тўшақда туриб, бирор мавзуну пичирлаб тақорлашига ҳам қулардик, ҳам ҳавас қилардик.

Аммо унинг одамовилиги ҳаммага ҳам ёқавермасди. Дарсада, имтиҳонда бурро-бурро жавоб берадиган одамнинг давралардаги камгапчилигига ҳайрон қолардик. Мабодо даврада қизлар ҳақида гап очилиб қолса, муносабат билдириш, қўшилиш у ёқда турсин; китобини қўлатиб, индамай чиқиб кетарди.

Бир куни кечаси китобининг ичига гуруҳдаги қизларнинг чиройли суратларини солиб қўйдим. Гўзалликдан баҳра олсин, дедим-да. Нима бўлди денг, у эрталаб суратларни қайтариб бериб, «Дўстим,

мен билан бундай ҳазиллашманг» деди совуққина. Тўғриси, унинг бу одатига кўникиб қолгандим. «Отанонанг уйлантириб қўйишса, ўша қизни севиб ҳам улгурсан», дердим киноя билан.

Ана шу мен билган Хамроқул учинчи курсда муҳаббат деган дарсга йўлиқди. Аввалига дарслиқ ўрнига шеърли китоблар ўқиганига унча эътибор бермагандим. Лекин оқшомлари шеър ёки мактублар ёзма бошлаган, қизиқсиниб кузатдим. Хатто ўзига билдирмай ёзган машқини ўқидим:

Эсингдан, бир синфда  
Ўқир эдик инқилоб.

Китобларни қўйиб четта  
Бошлар эдик тўлол.

Сочларингни билдирмайин  
Боғлар эдим партага.

Зўрға ечиб олд, кейин  
Йиғлар эдинг журтгага.

Мана энди йигит бўлдим,  
Сен ҳам энди гўзал қиз.

Ишқинг билан шаҳқа тўлдим,  
О, қийин менга сенсиз.

Сочинг билан банд айладинг  
Бу кўнглимни, начора.

Тугуларинг ечолмасдан  
Мен бечора овора...

Ух-ху, кесақдан ҳам олов чиқади, деганлари ростга ўхшайди. Соддакор ёзгани билан маънони ўжатибди. Кечки суҳбатларда секин кўнглига қўл солдим.

— Робия билан бир синфда ўқиганмиз. У техникумни битириб, кишлоғимиздаги алоқа бўлимида ишляпти. Утган ойда уйга борганимда қўриб қолдим, анча суҳбатлашдик. Бирим ўзгариб, очилиб кетибди. Ушандан бундан ҳар куни кўргим келаверди.

— Буни муҳаббат дейишади, жўра. Дарди бедавога йўлиқибсан.

— Билмасам... Ҳар ҳафта борай десам, ота-онамдан уялман, бир ой хаёлимда бир йилдек туюлади.

Улар бир йилча ишқили мактуб ёзиб туришди. Хамроқул ҳам одамовилигини ташлаб, даврага қўшилидиган бўлди. Бирга дўстимникига борганда Робияни кўрдим, чиройли, шаддод қиз экан. Айнан Хамроқулбор.

Аммо битириш имтиҳонлари арафасида дўстим негадир беҳаловат бўлиб қолди. Сал вақт топса, квартирага бориб ётиб олади. Шеърли китоблар ҳам ўқимай қўйди. Нуқул «уф» тортади. Бир-икки марта сўраганимда «Исик ҳаво юрагимга таъсир қилди, шекилли» деди ва яна қанақадир баҳоналар айтди. Ниҳоят, бир куни кечкурун қистовга олганимдан сўнг ўзи ёриди.

— Ота-онам билан гаплашдим, рози бўлишди. Сўнг Робияга турмуш қурайлик, одам юборай, дедим.

— У-чи, у нима деди?

— Бир аниқ гап айтмайди, уни тушунолмайман. Биламан, мендан бошқа йигити йўқ, лекин ҳар гал турли баҳоналар тўқийди, ҳали вақт бор, дейди. Бу

## Икки ҳикоя

мен билан бундай ҳазиллашманг» деди совуққина. Тўғриси, унинг бу одатига кўникиб қолгандим. «Отанонанг уйлантириб қўйишса, ўша қизни севиб ҳам улгурсан», дердим киноя билан.

Ана шу мен билган Хамроқул учинчи курсда муҳаббат деган дарсга йўлиқди. Аввалига дарслиқ ўрнига шеърли китоблар ўқиганига унча эътибор бермагандим. Лекин оқшомлари шеър ёки мактублар ёзма бошлаган, қизиқсиниб кузатдим. Хатто ўзига билдирмай ёзган машқини ўқидим:

Эсингдан, бир синфда  
Ўқир эдик инқилоб.

Китобларни қўйиб четта  
Бошлар эдик тўлол.

Сочларингни билдирмайин  
Боғлар эдим партага.

Зўрға ечиб олд, кейин  
Йиғлар эдинг журтгага.

Мана энди йигит бўлдим,  
Сен ҳам энди гўзал қиз.

Ишқинг билан шаҳқа тўлдим,  
О, қийин менга сенсиз.

Сочинг билан банд айладинг  
Бу кўнглимни, начора.

Тугуларинг ечолмасдан  
Мен бечора овора...

Ух-ху, кесақдан ҳам олов чиқади, деганлари ростга ўхшайди. Соддакор ёзгани билан маънони ўжатибди. Кечки суҳбатларда секин кўнглига қўл солдим.

— Робия билан бир синфда ўқиганмиз. У техникумни битириб, кишлоғимиздаги алоқа бўлимида ишляпти. Утган ойда уйга борганимда қўриб қолдим, анча суҳбатлашдик. Бирим ўзгариб, очилиб кетибди. Ушандан бундан ҳар куни кўргим келаверди.

— Буни муҳаббат дейишади, жўра. Дарди бедавога йўлиқибсан.

— Билмасам... Ҳар ҳафта борай десам, ота-онамдан уялман, бир ой хаёлимда бир йилдек туюлади.

Улар бир йилча ишқили мактуб ёзиб туришди. Хамроқул ҳам одамовилигини ташлаб, даврага қўшилидиган бўлди. Бирга дўстимникига борганда Робияни кўрдим, чиройли, шаддод қиз экан. Айнан Хамроқулбор.

Аммо битириш имтиҳонлари арафасида дўстим негадир беҳаловат бўлиб қолди. Сал вақт топса, квартирага бориб ётиб олади. Шеърли китоблар ҳам ўқимай қўйди. Нуқул «уф» тортади. Бир-икки марта сўраганимда «Исик ҳаво юрагимга таъсир қилди, шекилли» деди ва яна қанақадир баҳоналар айтди. Ниҳоят, бир куни кечкурун қистовга олганимдан сўнг ўзи ёриди.

— Ота-онам билан гаплашдим, рози бўлишди. Сўнг Робияга турмуш қурайлик, одам юборай, дедим.

— У-чи, у нима деди?

— Бир аниқ гап айтмайди, уни тушунолмайман. Биламан, мендан бошқа йигити йўқ, лекин ҳар гал турли баҳоналар тўқийди, ҳали вақт бор, дейди. Бу

ёқдан онам қисталанг қиялпти. Бошим қотиб қолди.

Эҳ, муҳаббат, муҳаббат! Одамни не кўйга солади-я. Кечагина бедард, дарсдан бошқа нарсани уйламаган йигит бутун бир гўзал ишқиде девонавор бўлиб тургани муъжиза эмасми? Унга ачиндим, чунки бундай ҳолат ўзимда ҳам кечган. Дардли ошқ инсонга гап ортиқча, далда бериб бўлмайди, чунки қалбда, вужудда кечаётгани ёлғиз ўзига аён. Лекин дўстимни хурсанд этиш учун нимадир қилишим керак...

Туни билан йўлаб, вазиятни баҳолаб, бир ечим йўлаб топдим. Аниқроғи, шумлик, ҳазил. Аввалига Хамроқул кўнмади, бунақа қалтис ҳазил ишимизни чаппа қилиб юбормасин, деди. Бир амаллаб тушунтирдим, бирор қор-ҳол бўлса ўзим қафил бўламан, дедим. Кўнди. Кейин бир қиз номидан Хамроқулга мактуб ёздим.

«Ассалому алайкум, Хамроқул ака! Соғлиқлар яхшими, имтиҳонлар тугай деб қолдимми? Насиб бўлса, ишни қаерда бошлайсиз?»

Мен, Худога шукр, ёнимиздаги мактабда бошланғич синфларда дарс бераяман. Техникумда ўқганимда сиз билан ўтган онларим энг бахтли лаҳзалар эканини энди сезаяпман, жуда сезаяпман. Сиздек оқил инсондан кўп яхшиликларни ўргандим, сиз тўфайли яхши ўқидим. Олдингида қарздорман. Бу ҳақда ота-онамга ҳам айтдим, улар

Сизни дуо қилишди.

Хамроқул ака, уйимизга совчилар келаяпти, аммо мен ҳаммасини қайтараяпман. Албатта, бу гапни айтиш менга жуда оғир

ва уятли, аммо бошқа йўл топа олмадим. Мабодо ҳалиям бировни танламаган бўлсангиз, очингизни айт-ти, сизга кўнгли қўйганман... Бахтимга омон бўлинг.

Хурмат билан Нуриддин.

Эртасига хатни почтадан жўнатдик. Ҳар эҳтимолга қарши, конверт тепасига «шахсан ўзига тегсин» деб ёздим.

Айтгандай, Хамроқул Робияга бўлган ишқини ҳам онасига ёзган хати орқали изҳор қилган. Уша хатида у «Онахон, ўзимизнинг почтада Робия исмли қиз ишлайди, эсингиздан, мендан кичик бўлса-да, бир синфда ўқиганмиз. Чиройли бу қизнинг шу хатни очиб ўқиб қўришини сезган. Шундай бўлган ҳам. Кейин билса, Робия бу хатни ўзига олиб қўйган экан.

Эҳ, муҳаббат, муҳаббат, бунчалар сирли ва сеҳрли туйғу! Кўнгли дегани шундай бир муҳаббат, лекин шундай шижоатли хилқатки, у кўп нарсани сезади ва айтганини қилади ҳам. Мактуб услуби иккинчи бор ҳам иш берди. Уч кун ўтгач, Робиядан дўстимга илиқ сўзлар ёзилган хат келди. Унинг айтишича, қиз квартирамизга телефон қилиб, уй ёзасига Хамроқулга салом айтишини тайинлаган.

...Уларнинг тўйи диллом олиш кўрсонига уланиб кетди. Курдодилар билан бориб, тўйини рожа қилдик.

Бир йилдан сал кўпроқ ўтгач, дўстим телефон қилиб қолди. Келмасанг, бўлмайди, деди. Вақт топиб кечкурун бордини, бирга нонушта қилдик. Мен эр-хотин ўртасида совуқлик борлигини сездим. Робия ниманидир баҳона қилиб чиқиб кетди, унинг ҳомилиси билиниб қолганди. Хамроқул ўша Хамроқул-да, бир амаллаб ичидаги гапни олдим.

— Бир куни сандигини очганда, ичидан менга ёзилган хат чиққан, асраб қўйган экан-да. Нуриддин ким, ҳалиям у билан учрашиб турасизми, техникумда ўқиганида нима яхшилик қилгансиз, деб қистовга олди. Айтинг-чи, дўстим, мен унга нима дейман, нима деб ишонтираман? Ушандан бери менга Нуриддинисини топиб берасиз, деб гаплашмайди, буюқда ҳомиладорликнинг инжиқлиги. Яна бошим қотиб қолди.

Мен Робияни ёнимизга таклиф этдим. Оғриниб келиб, стулга омонат ўтирди. Кейин мактуб ҳақидаги воқеани айтиб бердим. Барибир, ҳадиғи тарқамди, кўз ёш қилиб олди. Охири, қозғ олиб ўша хатни қайтадан ёзма бошладим, чунки ўзим тўқига-ним учун сўзма-сўз ёдимада қолган эди.

У хатни қўтариб ошхонага чиқди, эски мактуб билан солиштириб қўрди, шекилли, чеҳраси очилиб қайтиб кирди.

— Кечиринг, Хамроқул ака, шуни ўзингиз тушунтирсангиз бўлмасмиди. Мен ҳар хил хаёлга бориб юриман. Ахир, Сизни рашқ қиламан-да...

Эрталабки нонушадан сўнг дўстим мени автобусга кузатиб қўйди.

## Герман ГОРТЕР

(Голландия)

# Баҳор келаяптир...

Баҳор келаяптир. Эшитилар ифорли қаламлар саси.

Уни тинглаб ҳаяжон-ла дов-дарахт, само: Ҳамма жойда баҳорий ис, баҳорий ҳаво, Ҳамма жойда шул илоҳий Баҳор нафаси...

Мен ҳам тинглаб, бу таширфини туйман дилдан, Тинглайману ҳис қиламан кўнгли-қўнғилдан. Бироқ беҳос кўнглим чулгар ҳалиқ, ҳаяжон, Зеро, дилла не-не орзу яшағай пинҳон: Шу орзулар очилмоққа топармишкун...

Шу орзулар Баҳоримга бўлмасми армон?! Баҳор келаяптир... Эшитилар

Унинг таширфини... Мен тинглайман бошим узра чарх ураётган Уюр-уюр ҳаволарнинг тўлқинларини, Мовий, оппоқ ҳаволарнинг ёлқинларини...

Мен тинглайман ва юракдан айраб кетаман, Баҳоримнинг мадҳи учун шайхликларини ўргандим, сиз тўфайли яхши ўқидим. Олдингида қарздорман. Бу ҳақда ота-онамга ҳам айтдим, улар

Сизни дуо қилишди.

Хамроқул ака, уйимизга совчилар келаяпти, аммо мен ҳаммасини қайтараяпман. Албатта, бу гапни айтиш менга жуда оғир

ва уятли, аммо бошқа йўл топа олмадим. Мабодо ҳалиям бировни танламаган бўлсангиз, очингизни айт-ти, сизга кўнгли қўйганман... Бахтимга омон бўлинг.

Хурмат билан Нуриддин.

Мумтоз бадий асарлар барча замонларда кўпчилиكنинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган. Уларга муносабат ҳам турлича бўлган. Ҳар бир давр муайян мумтоз асарни ўз замонининг мезонларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилган ва баҳолаган. Уларга турли шарҳлар битилган, лугатлар тузилган. Кейинги асрларда ҳам бу анъана давом этган. Чунончи, Бедил газалларини, рубоийларини шарҳловчи бедилхонлар пайдо бўлгани, Сўфи Оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин" асарини шарҳлаш учун махсус асар битилгани фикримизга далилдир.

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг "Хамса" асари мумтоз асарларнинг шундай бетакрор намунасидадир. Бу шох асарга у яратилган XV асрдан бошлаб то ҳозиргача қизиқиш сўнмаган, уни талқин қилиш, шарҳлаш давом этиб келмоқда. XX асрда Навоий "Хамса"сига бағишланган кўплаб илмий-тадқиқотлар яратилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Навоийнинг бу шох асарини янгича илмий қарашлар асосида тадқиқ қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Афтондил Эрқиннинг "Алишер Навоий "Хамса"си талқини манбалари (XV — XX аср боши)" ("Тамаддун" нашриёти, 2018) номли монографияси ана шундай янгича йўналишдаги илмий-тадқиқотлардан биридир. Ушбу тадқиқотда муаллиф Навоийнинг "Хамса" асарини адабиётшунослигимизда илк бора

асар матни талқини билан шуғулланади, қайсидир даражада герменевтика билан муносабатга киришади. Бироқ олимларимиз талқин масаласида муайян ишларни амалга оширган бўлсалар-да, бу фалсафий таълимот фанимиз учун нисбатан янгиликдир. Герменевтика таълимоти фатида Европада шакланган, бироқ ўзимизда матн талқинининг ўндан ортиқ йўналишлари, жумладан, тафсир, илми ҳошия, шарҳ битиш, миниатюра... каби талқин билан бевосита боғлиқ мустақил соҳалари аввалдан мавжуд бўлган. Гер-

шидан олдинги давр бўлиб, унда асосан шарқона тафаккур устун бўлган. Лекин 1920 – 1930 йиллардан бошлаб олимларимиз тафаккурида Ғарб таъсири кучайган. Монографияда бу жараён мисоллар ёрдамида ёритиб берилган.

"Навоий "Хамса"сида автоинтерпретация масаласи ва манбалари" бобида Навоийнинг ҳамсанавислик аънарасига муносабати ва ўз "Хамса"сини ёзиш жараёнидаги адабий-эстетик қарашлари ёритилган. Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоий ўз "Хамса"ларини бирин-кетин ёздилар. Лекин Жомий ҳамсанавислик аънараси энди эскирди, деб Хусрав ва Ширин, Лайли ва Мажнун мавзуларини қаламга олмайди. Асосий эътиборни "Юсуф ва Зулайхо" каби фалсафий-дидактик дostonларга қаратади. Афсонага ўйлиб қилиб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Лекин Навоий бу масалага ўзгача ёндашади. Китобда бу тафовут кизиқарли мисоллар билан кўрсатиб берилган.

"Навоий "Хамса"сининг бадий, илмий ва тарихий асарлардаги талқини манбалари" бобида Навоий "Хамса"си бадий асарлар, жумладан, Абдурахмон Жомийнинг "Хираднома Искандарий", Хожанинг "Мақсад ул-автор", Нишотийнинг "Хусн ва Дил" дostonлариди қандай талқин этилгани ўрганиб чиқилган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират ушшуаро", Сом Мирзонинг "Тухфаи Сомий", Фахрий Хиротийнинг "Латойфнома" тазкираларидаги мавзуга оид маълумотларга ҳам муносабат билдирилган. Навоий замондошларининг мемуар асарлари, масалан, Хусайн Бойқаронинг "Рисолаи Хусайний", Абулвасеъ Низомийнинг "Мақомоти Мавлавий Жомий", Хондамирнинг "Мақорим ул-ахлоқ"идаги талқинлар, кейинги асрларда ёзилган Абдулмумин-хоннинг "Том ут-таворих", Мир Саид Шариф Рокимнинг "Тарихи Рокимий" каби асарларидаги фикрлар, қайдларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Китобнинг "Навоий "Хамса"сининг кўлэмаларидаги талқини манбалари" деб номланган тўртинчи боби алоҳида эътиборга лойиқ. Мазкур бобда "Хамса" асрлар давомида кўлэмалардан кўлэмаларга кўчирилганда ундаги дostonлар номи ўзгаришга учрагани, бунда Низомий "Хамса"сиди дostonлар номи базан Навоий дostonларига берилгани ва бошқа номлар билан талқин этилгани кўрсатиб ўтилган. Ушбу жиҳат, муаллиф таъкидлаганидек, ўтмишда бадий асарларнинг номлашида, бугунгидан фарқи ўлароқ, қатъий бўлмаганини кўрсатиш билан бирга дostonларга бўлган муносабат – талқини ҳам аниқлашади. Кўлэмалардан нусаха кўчириш жараёнида асарнинг талқин этилишига ундаги таркибининг ўзгартирилиши, дostonлардан ўзига керакли қисмларни кўчириб олиш ҳам мисол бўла олади. Ушбу бобда бадий асар учун тузилган лугатларнинг асарни талқин этишдаги ўрни алоҳида тадқиқ қилинган.

Сўнгги бешинчи боб "Навоий "Хамса"сининг бадий талқини манбалари" деб аталади. Унда бадий кириш ва хотималар, "Хамса" дostonларининг халқ китобларидаги талқини (насрий баёнлар), "Хамса"га ишланган миниатюралар, таржималардаги талқин масалалари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Умуман олганда, А. Эрқиннинг "Алишер Навоий "Хамса"си талқини манбалари (XV – XX аср боши)" номли монографияси кейинги йилларда яратилган навоийшуносликка оид йирик тадқиқотлардан биридир. Тўғри, тадқиқотнинг айрим ўринларида такрорий фикрлар ҳам учраб туради. Лекин бундай жузъий нуқсонлар илмий асар қимматини пасайтира олмайди. Уйлашимизки, бундан кейин шундай янги йўналишда тадқиқотлар яратилишида бу китоб муҳим аҳамият касб этади.

Абдулатиф ТУРДИАЛИЕВ,  
филология фанлари номзоди

Қўқон

## МЕРИМЕ АСАРЛАРИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Таниқли ҳуқуқшунос олим ва жамоат арбоби, академик Акмал Саидов илмий фаолияти ҳақида сўз юритганда, унинг жаҳон адабиёти атоқли вакиллари ижодини Ўзбекистонда тарғиб ва тадқиқ қилаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Олимнинг сўнгги йилларда Данте, Шекспир, Гёте, Кафка, Фолькнер, Камю, Лао Шэ, Моруа каби адиблар асарларини тўплаб, уларга сўзбоши ва изоҳлар ёзиб нашр этираётгани таҳсинга лойиқ. Масалан, ўтган йили А.Саидов француз ёзувчиси Проспер Мерименинг "Карл IX салтанатининг йилномаси" романи ва новеллалар мажмуасининг бир жилдигини, замонавий француз адиби Амин Малюфнинг "Самарқанд" романи таржимасини китоб ҳолида нашр эттирди.

Француз адиби Проспер Мериме ижоди ҳам замондошлари Стендаль, В.Гюго, О. де Бальзак, Ж.Санд, А.Дюма, Флобер ва Мопассан асарлари қатори ўзбек китобхонага яхши таниш. Унинг асарлари ўтган асрнинг 60-йилларидан ўзбек тилига ўғрилиб бошланган. Дастлаб адибнинг "Таманго" ва "Маттео Фольконе" номли новеллалари Н.Турмухамедов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1961 йили чоп этилган. 1976 йили таниқли таржимон Нурбек адибнинг "Этрусқулдони" новелласини таржима қилиб, "Муҳаббат можароси" тўпламига киритган.

Ўтган асрнинг 70-йилларида таниқли олим ва таржимон Озод Шарафиддинов П.Мериме асарлари таржимаси билан жиҳидий шуғулланди. Айнан шу йилларда Фағур Ғуллом номиди адабиёт ва санъат нашриёти "Жаҳон адабиёти дурдоналари" туркумида француз адабиётидан Стендальнинг "Қизил ва қора", "Парма ибодатхонаси" (Ҳ.Тўрабеков таржимаси), П.Мерименинг "Карл IX салтанатининг йилномаси. Новеллалар" (О.Шарафиддинов таржимаси), Мопассаннинг "Азизим" (И. Фағуров таржимаси), "Хаёт" (Э. Носиров таржимаси), Флобернинг "Бовари хоним" (Ҳ.Зиёнова таржимаси) романларини ўзбек китобхонага тақдим этди.

"Карл IX салтанатининг йилномаси. Новеллалар" китобидан "Карл IX салтанатининг йилномаси" романи ва "Маттео Фольконе", "Триктрак ўйини", "Қўш хато", "Илль венераси", "Арсена Гийо", "Аббат Обен", "Хаворанг хона" новеллалари ўрин олган. Мазкур нашр П.Мериме асарларининг рус тилидаги академик нашридан олиб таржима қилинган. Ушбу нашр орқали ўзбек китобхона П.Мериме ижоди билан яқиндан танишди. 1986 йил О.Шарафиддинов таржимаси "ЖАД" туркумида иккинчи марта нашр қилинди. Орадан ўттиз икки йил мобайнида сўнгги нашр фақат кутубхоналарда, кекса авлод китобхонлар қўлида сақланиб қолган, холос. Ёш авлод Мериме асарларини ўқиши учун янги нашрга эҳтиёж бор эди. Буни ҳисобга олган А.Саидов ёзувчи асарларининг янги нашрини тайёрлади. Китоб "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан ўн минг нусхада чоп этилди.

Ушбу нашр олдинги икки нашрдан қисман фарқ қилади. Унга Абдумурод Кўчибоев томонидан бевосита аслиятдан ўғрилган "Маттео Фольконе", "Таманго", "Коломба" новеллалари киритилган.

Мухтасар айтаганда, Проспер Мериме асарларининг ўзбек тилидаги таржималарини аслият ва русча матнлари билан қиёслаб ўрганиш алоҳида тадқиқот учун мавзудир.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,  
филология фанлари доктори, профессор

ҳамма эшикдан тиланса ҳам, Хотам унга эҳсон билан мулойимлик кўрсатар экан". Абулқосим Бобур деган эканлар: "Агар биринчи эшикда тиланчига керагича берганда эди, кейинги эшикка эҳтиёж бўлмас эди". Умуман, мумтоз адабиётимизда Хотам ҳақида тасвирлар, ишоралар кўп, бироқ Абулқосим Бобурнинг Хотам фаолиятига билдирган муносабатида тафаккурининг кенглиги, натижаси ўз инъикосини топган. Манбаларда ҳам Абулқосим Бобур саҳий ҳукмдор, ҳиммат ва мурувати билан афсонавий Хотами Тойи ва Бармаклардан устун бўлганлиги хусусида гап-лап кўп, лекин унинг бу фазилатининг баланд баҳосини Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида битиб қолдирган: "Бобур Мирзо – дарвешваш ва фойнисифат ва карим ул-ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олада олтунингни дағи кумушнинг тош ва туфроғча ҳисоби йўқ эрди".

Алишер Навоий тазкирасига нима сабабдандир киритилмаган, бироқ Фахрий Хиравий тазкирасида зикр қилинган Мухаммад Мўмин Мирзо ҳақидаги фикрага диққат қилсак. Муаллиф у тўғрисида ёзган тарихий маълумотларида, биринчидан, унинг бевақт ўлими ва ўлими сабабли Султон Хусайн Бойқаронинг давлат бошқарувида, ҳонадониди юзга келган зиддиятли вазият, ўзаро душманчилик кайфияти, иккинчидан, бу мухолифлик, нохушлиқлар тўғрисида шоир Мавлоно Гулҳанни битган машҳур қитъа матни, учинчидан эса унинг ўзи томонидан тақдир қўлламагани туфайли учраган ўта оғрикли мағлубиятига бағишлаб ғирак кўри билан ёзган матласи, бетакрор қитъаси ва Абдурахмон Жомий газалига боғланган гўзал муҳаммасининг тўлиқ матни баён қилинган. Чунончи: "Мухаммад Мўмин Мирзо – Бадиуззамон Мирзонинг ўғли эди. Ва Султон Хусайн Мирзо авлодларининг отаси билан бу барча мухолифликлари унинг ноҳақ хуни воситаси сабабли бўлди... Ва Мухаммад Мўмин Мирзо хусну жамолда Юсуфи Соаний эди. Ва Латиф таъби бор эди ва назми бағоят яхши эди..." Демак,


муаллиф битган лавҳадан биз учун муҳими, унинг ижоди борасидаги "латиф таъби бор эди ва назми бағоят яхши эди," деб кўрсатган муҳим баҳоҳосидир. Фахрий Хиравийнинг бу юксак баҳоҳоси хурмати учун унинг табибга мурожаат шаклида ёзган бир қитъасини эсга олсак: "Ва унинг мана бу қитъаси машҳурдир. Матлаб:

**З-тоб бисўхт, табибо,**  
**тани болокаши ман,**  
**Бирав, бирав, ки насўзи**  
**ту ҳам бар оташи ман.**  
Мазмуни:  
*Эй табиб, менинг болокаш таним иситмадан куйди,*  
*Кет, кетгинки, менинг оташимда сен ҳам куймагин.*

Шарҳ адабиётда табибга мурожаат қилиб битилган шеърлар, байрик кўп учрайди, лекин уларда лирик қаҳрамоннинг ўз авлоддан табибга нолиши, ёрдам сўраши ёки тушунлик каби мотивлар етакчи бўлса, Мухаммад Мўмин Мирзонинг бу қитъасида бутунлай ўзгача тасвир ва кўтаринки кайфиятни кўради. У ўз шеърини инсонларни саботли бўлишга даъват қилар экан, саботли одам Оллоҳдан бошқа ҳамма сабабларни ўзидан узиб, ўзини излаб ва ўзи тушган ҳолатидан, маломатидан ўзи чиқариб кетар, деган кучли ўзлик рамзини, гоёсини бадий талқин қилган ва олдида қўйган мақсадини содда қилиб очиб берган.

Хулоса шуки, Сохибқирон Амир Темур ва темурийларнинг сўз санъати ва бошқа санъат турлари ривожига қўшган ҳиссалари, фаолиятлари дунё тамаддунида юксак даражада эътироф қилинади. Бу юксак эътирофларнинг исботи сифатида Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" ва Фахрий Хиравийнинг "Равзат ус-салотин" каби тазкираларида битилган мажлисларни библишимиз ва ўқиб-ўрганишда давом қилишимиз керак.

Буробия РАЖАБОВА,  
Ўзр ФА ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими,  
филология фанлари номзоди



адабий герменевтика методологияси асосида тадқиқ қилган.

Матн талқини назарияси ва амалиёти билан боғлиқ герменевтика — талқин этиш санъатидир. Бадий матн талқини билан шуғулланувчи герменевтика эса адабий герменевтика деб аталади. У қадимий матнларнинг асл маъносини очиб йўларига доир таълимот бўлиб, ўзгаришга учраб этиб келган адабиёт намуналари мазмунини тиклашга қаратилган. Герменевтика фанининг фалсафа ва адабиётшунослик билан боғлиқ бир неча жиҳатлари дунё фалсафа илми ва филологиясида ўрганилган. Ўзбек тилида адабиётлар ичида мазкур истилоҳ ва таълимотга доир дастлабки маълумот кейинги даврда яратилган адабий-таъриқий тадқиқот, фалсафа фани бўйича қўлланмаларда учрайди. А. Эрқиннинг таъкидлаганидек, герменевтика — талқин назарияси ва таълимотини ўзбек адабиётига кенг таъбиқ этиш даври келган. Аслида, ҳар бир адабиётшунос олим ўз тадқиқотида

### Бошланиши биринчи саҳифада.

Фахрий Хиравийнинг ушбу китоби фақат султонлар, подшоҳ хонадонининг иходдор вакиллари ҳамда амир шоирлар ҳақидадир. Асарнинг бу хусусияти китобнинг номидан кўриниб турибди. Тазкира жами етти мажлиسدан иборат бўлиб, муаллиф унда юзга яқин султон ва амир шоирларни тилга олган. У устози Алишер Навоийнинг амир шоирлар зикрида ёдга олиш билан бирга, яна унинг бир анъанасини давом эттирди. "Равзат ус-салотин" тазкирасининг учинчи бобини Сохибқирон Амир Темур ва темурий султонларга бағишлаган. Аннироғи, муаллиф мазкур бобга темурийлар сулоласининг 36 нафар вакилини киритган.

Фахрий Хиравий мазкур ижодий ишни бажаришда, бир томондан, манба сифатида Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкираси ва Бобурнинг "Бобурнома" мемуаридан умумий фойдаланган. Масалан, тазкирада берилган Мирзо Улуғбек зикри Алишер Навоий тазкирасидан олинган, бу ҳақида муаллиф одоб билан "... Алишер Навоий "Тазкират уш-шуаро" ("Мажолис ун-нафоис" назарда тутилган — Б.Р.)да унинг ахлоқини мана бундай баён қилган", дея таъкидлаб ҳам ўтган.

Иккинчи тарафдан эса, унинг ўзи ҳам учинчи бобда шонли сулоланинг янги вакиллари номини зикр этган, улар ижоди билан боғлиқ

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ЗИКРИ "РАВЗАТ УС-САЛОТИН"ДА

қизиқарли ҳаётий лавҳаларни ва ибратомуз ҳикоятларни келтирган. Фахрий Хиравий ушбу китобининг учинчи бобини "Шеърга майр қўрсатган ва шеър айтган Самарқанду Хуросоннинг Амир Темур Кўрагон авлодидан бўлган султонлари зикрида", деб номлаган. Аммо шу ўринда боб номида тилга олинган Самарқанд сўзига изоҳ бериб ўтишни лозим деб билдик. Зеро, бу ўринда муаллиф ишлатган Самарқанд топоними бутуннинг маъносини қисманда ифодалаган ва фақат пойтахт шаҳар номинигина эмас, балки темурийлар давлатининг Мовароуннаҳр қисмини ҳам билдириб келган. Бинобарин, ушбу бобда темурийлар давлати бошқарувида бўлган Мовароуннаҳр ва Хуросон давлатида ҳукмронлик қилган ёҳуд вилоятларни бошқарган ўттиз олти нафар темурий султон алоҳида фикраларда ёдга олинган ҳамда келажак авлод учун ниҳоятда бой тарихий, адабий мерос ёзиб қолдирилган.

Юқоридаги бобда Сохибқирон Амир Темур алоҳида фикрада зикр қилинмаган, аммо ворислари ҳақида сўз юритилганида Амир Темур Кўрагон, Сохибқирон Амир Темур номлари билан ёдга олинган ва

Онҳазрат шаклида хитоблар ҳам қўлланган. Масалан, унинг вафотидан кейин Самарқанд тахтада ўтириб, Мовароуннаҳрни беш йил бошқарган темурийзода Халил Султон номи билан бошланган дастлабки фикрада адолат ва кудрат тимсолининг қаламга калам билан жавоб бериш ҳодисаси тасвирланган: "Султон Аҳмад Бағдода мағрурлик мартабаси ва сипоҳлик кийимини устига ташлаган вақтда Амир Темурга бир қитъа йўллади... ва Онҳазрат қитъани эшитиб, ниҳоятда газабланиди, афсусланиб дейди: "Агар менда назм қобилияти бўлганда, унга жавоб ёзган бўлардим". Ва буюрди: "Менинг фарзандларимдан қай бири бунга жавоб йўллади олади". Невараси Халил Султон бу буйруққа кўра, бобосининг юрағидида бор гўбор, оғрик ва афсусни тарқатадиган жавоб қитъани ёзиб беради. Шеър Сохибқиронга маъқул келади.

Ушбу лавҳа Амир Темур тарихчиси Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"да битиб қолдирган "Подшоҳлар сўзи — сўзлар подшоҳидир" деган машҳур иборасини ёдидимизга солади. Бобда бошқа темурийлар тартиби билан тилга олинган экан, муаллиф шох ва шоир Бобур ва

унинг соҳибдевон шоир фарзандларини ҳам махсус фикраларда эсга олган. Пировардида, мазкур боб Бобур Мирзонинг ҳолавачаси, машҳур "Тарихи Рашидий" асарининг муаллифи Мирзо Ҳайдар зикри билан аяқланган. Фахрий Хиравийнинг ушбу бобда шох ва шоир Бобурни ҳамда унинг шоир, соҳибдедон фарзандларини фикраларда тасвирлаши таҳсинга лойиқ.

Кузатишларимизга кўра, Фахрий Хиравий учинчи бобнинг Абулқосим Бобур ҳақидаги фикрасини гўё зўр иштиёқ ва мароқ билан ёзгандек. Муаллиф уни отаси Бойсунгур Мирзо зикридан кейин тилга олар экан, фикрага унинг битта тасаввуфий руҳдаги рубойиси, "аст" радифига қурилган беш байтлик газали ва "нист" радифи асосидаги газалининг учта байтини киритган. Аммо биз бу талқинда диққатимизни унинг фикрада берилган шеърларига эмас, балки кучли фаросати ва закийлигини кўрсатувчи завку мушоҳадага йўғрилган бир ибратли ҳикоятини келтиришни мақсад қилдик. Чунончи: "Айтишларича, бир куни унинг олдида шундай дейишибди: "Хотам "Хотамнома" биносини қурган бўлиб, унинг қирқта эшиги бор экан. Ва агар тиланчи

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилаётган "Халқаро бахшичилик санъати фестивали" ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан жуда катта тарихий аҳамиятга эга. Шу пайтга қадар турли кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказилган. Бироқ қадим давлардан то бугунги кунимизгача жонли ижро ҳолатида яшаб келаётган, дунёнинг кўпгина мамлакатларида унутилган ёхуд унутилишга юз тутган бахшичилик санъатини асраб-авайлаш, уни келгуси авлодларга етказишга қаратилган, эпик ижрочи, яъни бахшилар ҳамда шу соҳанинг етук мутахассислари бўлган фольклоршунос олимлар иштирокида халқаро миқёсда бундай анжуман биринчи марта ўтказилмоқда.

Халқимизда: "Бахшили эл – ботир эл" деган мақол бекорга тўқилмаган. Зеро, эпик ижод ҳар бир халқнинг ба- дий тарихидир. Эпик санъат давом- чилари, яъни унинг ижрочилари бўлиши бахшилар миллат тарихи, санъати, маданиятини минг йиллар давомида авлоддан-авлодга етказиб-

фольклори тарихида кўрамиз. Халқ- нинг мифологик тафаккурдан поэтик идрок қилишига ўтиши ва унинг самар- раси бўлган бугунги маънодаги фольк- лор мероси шунчалар мураккабки, унинг айрим намуналарида ҳозиргача ибтидоий жамоа тузumi ва ундан кей- инги илк маданий босқичларнинг из-

Архаик эпоснинг энг нодир намуна- си ҳисобланган "Алпомиш", "Гўрўгли" каби эпос ҳақида сўз кетар экан, эпик формула ҳақида, тўғрироғи, оғзаки эпик ижодиётага хос бўлган қонуният- лар ҳақида сўз юритиш лозим бўлади. Эпик формула бу эпоснинг ядросидир. Биз эпик формуланинг нима эканли- гини тушунай бирор-бир дoston мо- хиятини тушуниб етолмаймиз. Оғзаки ижод деганда, биз энг аввало, ана шу эпик формула асос бўлган ижодни ай- тамиз. Эса адабиётнинг ўз қонуният- лари мавжуд. Оғзаки ижоднинг эса қонунияти битта — бу эпик формулага асосланганлики. Бу ижоднинг оғзакили- гини, аънавийлигини таъминлайди. Эпик формула бу эпоснинг қурилма- си, суягиридир. Ижодкор, бахши дoston куйлар экан ана шу "суяк"ка, асосга суянади. Эпик

таъниб ўз "тана"-сини яратади. Оғзаки ижод, яъни эпик аънава – дoston иж- росига хос бўлган хусусият эса му- лақо бошқа. Зеро, оғзаки ижод ижро пайти яралади. Бу оғзаки ижоднинг қонуниятидир. Эпосдаги мана шу эпик формула бир-бирига туташганда- гина у дoston кўринишини олади. Эпик формула ўзгарувчан, ҳар гал янгила- ниб турувчи формуладир. Бахши ўзида аънавийлики ва индивидуаллики жамлай олган ижодкор. У шунчаки иж- рочи эмас, аънавийликка асосла- ниб, ўз санъатини яратаётган том маъ- нодаги ижодкордир.

Эпик формулаларнинг юзага келиш жараёни бевосита тил қонунияти бил- лан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб эпик формулаларни уч гуруҳга: 1.Маълум бир халқ бахшиларига хос эпик фор- мула; 2.Бирор мактаб ёхуд унинг бир неча вакилларига хос эпик формула; 3.Индивидуал эпик формулаларга ажратиш мумкин. Бу формулаларда, асосан, қаҳрамоннинг таърифи; би- рор ҳаракат ёки ҳолат; бирор макон ёхуд эпик вақт баён этилганини кўра- миз. Худди мана шундай формула- лар тизими жанр ҳосил қилиб, шеъ- рий сатрларни ахлит дoston ҳолати- га олиб келади. Эпик формула бу бах- ши хотирасидаги қуйма мисраларнинг тайёр захираси эмас, балки ана шу қуйма мисраларнинг ҳар гал янги- ча мазмун ва оҳанг билан так- рор ва такрор жаранглашидир.

Бахшиларимиз томонидан бу- гунги кунда куйланаётган дoston намуналари ўтган асрларда ижро этилган дoston намуналари ҳамда дунё халқларининг энг сара эпик ижоди билан ўзаро қиёсланганда халқ ижоди жанрларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бадий сўз санъатининг юзага келиши ва тараққиёт тамойиллари аён кўри- нади. Бугунги кунда дунё фольк- лоршунослигида долзарб ҳисоб- ланган илмий-назарий масала- ларнинг ечимига ҳам оидлик ким- ритилади ҳамда аждодларимиз томонидан яратилган "Алпомиш", "Гўрўгли" каби дostonларимиз

дунё адабиётда яратилган сўз санъ- атининг энг ноёб ҳодисаси деб ҳисоб- ланаётган "Гилгамеш", "Одиссея", "Маҳобҳорат" каби дурдона асарлар билан бир қаторда турайдиган эпик ижод намунаси сифатида дунё мада- ниятида ўз ўрни ва аҳамиятига эга экани ҳам маълум бўлади.

Бугунги глобаллашган бир жамят- да, дунёнинг кўпгина халқларида эпик аънава тамома сўниб бўлган ёхуд сўниб бораётган бир шариқта, юр- тимизда халқига бахши, жиров, оқин, халфачилик санъатининг сақланиб қола- ётгани ва халқаро миқёсдаги фестиваль шаклда илмий анжуманининг ўтказилиши дунёнинг кўлаб ривожланган мамла- катлари орасида ўз ўрни топаётган, юксалиб бораётган мамлакатимизнинг бугунги шиддати ва эртанги келажаги- ни ҳам белгилаб беради.

Жаббор ЭШОНКУЛОВ,  
филология фанлари доктори



## БҲ ЮРТАДА ЯШАГАН ҚОЛМАС АРМОНДА

Бугун яна бир бор қадим Сурхон фарзанди эканимдан фахрланиб ўтирибман. Ахир,



кувонмай бўладими, юртимизда ҳали бундай катта халқ байрамини кўрмагандим. Илоҳим, бахшиларнинг бошида офтоб чарақлаётган рост бўлсин. Ўзим машур Шоберди бах- шининг шогирдиман. Қумқўрғонданман, асли миробман. Дўмбира чертишни отамдан, куй- лашни устозимдан ўрганганман. Дастлаб термалардан бошлаб, кейин "Алпомиш", "Кунтуғмиш", "Ойпарча", "Сулувхон" ва "Гўрўгли" туркумига кирувчи барча дoston- ларни ёд олдим. Икки фарзандим ҳам бах- шилар қаторидан ўрин олган.

Бахши бўлиш осон эмас. Шамолда шам- чирок ўчмай қолиши учун қандай асраб-авайлаб, эҳтиёт қилсак, ижронини ҳам худди шундай авайлаш лозим. Ҳақиқий бахши истеъдодли бўлиш бил- лан бирга, Ватанини тилда эмас, дилда севиши, ҳалол, маданиятли, маъ- рифатли инсон бўлиши керак. Бизнинг Сурхондарёда Президентимиз қаро- ри билан бахшичилик мактабининг очилгани кўп мудраб ётган истеъдод- ларни уйғотиб юборди. Чордоқларда тахланиб, чанг босиб ётган дўмбира- лар олиб тушилиб, губорлардан тозаланиб, уйларнинг тўрига илдинди. Ило- ҳим, бундай гайрат, рағбатлар боқий бўлсин.

Карвонимиз энди катта карвонда,  
Бу юрда яшаган қолмас армонда,  
Тўй-томоша бўлиб бизнинг Сурхонда,  
Бу ишларнинг боши буюб Сорбон-да!

Исмоилхон бахши АНВАРОВ

## ҚАЛБГА ТИЗИЛГАН МАРЖОНЛАР

Шу кунларда Термиз таниб бўлмас дара- жада ўзгариб кетган. Бу ерга келган киши ҳақиқий халқона байрамнинг гувоҳи бўлади. Ниҳоятда гўзал манзара. Буни сўз билан таъ- рифлаш мушкул. Туғилиб ўсган гўшамда кат- та тарихий воқеа — биринчи марта Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтаётганидан шодлигим ичимга сиймайди.



Дашт қизиман, болагимдан бахшилар санъати қон-қонимга сингиб кетган. Айниқса, Абдуназар бахши, Шомурод бахши, Шоберди бахшилар ижоди қалбимга куйлаш сеҳрини со- лган. Улар айтган ҳар бир терма ва дoston юра- гимнинг қатларидан жой олган. "Алпомиш", "Гўрўгли", "Кунтуғмиш" каби дostonлардан қанча-қанча термаларни куйлаганман. Айниқса, Барчин тилидан айтилган тер- малар кўшиқ бисотимини беэган. Оддий тил билан айтганда, "Алпомиш" дostonи бошдан-охир қалбимга маржондек тизилган.

Қанча бахшиёна кўшиқларим, бахшиларнинг ижро оҳангида айрилган термаларим шу соҳа устозларининг эътиборига тушганидан, аёл хонанда- лар ичда бири-бирлардан бўлиб бу санъати оммалаштиришга ҳисса қўша- ётган ижодкор эканимдан фахрланаман. Президентимизнинг қарорлари билан илк бор ўтказилаётган бахшичилик санъати байрами ҳали узоқ йил- лар давом этиб, шу соҳа ривожига ҳисса қўшаверадим, деган умиддаман. Халқимиз санъатининг ўқ илдизлари асрлар оша юртимиз доврўгини дунё- га таратишига ишонаман.

Ҳосила РАҲИМОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

## КОМПОЗИТОРНИ ХОТИРЛАБ

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида буюк компо- зитор И.С.Бах таваллудининг 334 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Концертда композиторнинг фортепиано ва оркестр учун, фортепиано учун, иккита скрипка ва оркестр учун концертлари дири- жёр Анвар Раимжонов раҳбарлигидаги "Ўзбекистон яққохонлари" ка- мер оркестри томонидан ижро этилди. Яққохон ижрочилар — Ўзбеки- тонда хизмат кўрсатган артист, профессор Сайёра Ғофурова (форте- пиано), Дилёра Исламова (фортепиано), Феруза Муҳаммадова (фор- тепиано), Сардор Жумаев (скрипка), Диана Галимова (скрипка) юксак ижрочилик маҳоратлари билан томошабинлар эътирофига сазовор бўлдилар. Консерваторияда устоз ва шогирд аънаваларини давом эт- тириб келаётган С.Ғофурова ўз шогирдлари билан бирга И.С.Бах асар- ларини юксак савияда талқин этишга муваффақ бўлди. Дастурни Ўзбе- кистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, мусикашунос Инесса Гульзарова олиб борди. Қўтарқини қайфиятда ўтган концерт бар- чада катта таассурот қолдирди.

Муштарий ЎТБОСАРОВА,  
Консерватория талабаси

## КИТОБ БАЙРАМИ

Шу кунларда Президентимизнинг юртимизда ноширлик ишлари- ни ва китоб савдоси фаолиятини янада яхшилашга қаратилган қаро- рида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, шунингдек, 2-апрель — Халқаро болалар китоблари куни муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб Болалар китоб ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.

Ҳафталикнинг ажойиб тadbирларидан бири Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ташкил этилди.

— Бизни хурсанд қилган нарсаси шунки, кутубхонамиз фақат бундай тadbирларда эмас, йил-ўн икки ой болалар билан гавжум бўлади, — дейди кутубхона директори Умида Тешабоева. — Даргоҳимизга келган болалар кутубхонани обдон ўрганиб, бу ерга мунтазам қатнаш бошлаганларини кўриш келажакка ишончимизни янада мустаҳкамлайди. Чунки болалиқдан китоб мутолаасига қўникмани шакллантириш инсон ҳаётининг барча босқичларида ёрдам беради.

Ҳафталикнинг биринчи куни пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 228- ва 225- ҳамда Яшнобод туманидаги 161-мактабларнинг ўқувчилари кутубхо- нага қизиқиш ва ҳаяжон билан кириб келишди. Ўқувчилар бу даргоҳда ҳафта- лик муносабати билан ўтказиладиган қизиқарли викториналарда, интеллек- туал ўйинларда, "Менинг севили китобим" акциясида, "Моҳир кўлар" ма- ҳорат дарсларида қатнашадилар.

Абдулла ШЕР

Ф.ФАХРУДИНОВА

## БОТИР ЭЛНИНГ ТИЙНАТИ

ган, миллий маданият, тарих ва фал- сафага беназир улуш қўшиб келаёт- ган улкан ижодкорлардир. "Алпомиш", "Гўрўгли", "Кунтуғмиш", "Рустамхон", "Эдиге" каби улкан бадий обидалар бизга ана шундай эпик ижодкор- лардан мерос бўлиб қолган. Бах- ши ўз эпик хотирасида ана шу қадим аънаваларни сақлаб, уни авлодларга етказиб келган ва ҳар гал ижро этилганда бу аънава яна- да бойиб, янгилиниб борган. Улар эпик билим ва эпик хотиранинг меросхўрлари, асровчиларидир. Аждодлардан мерос қолган бу эпик хотирани улар ўз қувваи ҳофизасига кўра ижро этадилар. Ижронинг эса шубҳасиз, ўз устоз- ларидан ўрганади, эпик қўлиларга амаж қилади, шу тахлит улар эпос қонуниятини яратадилар. Шунинг учун ҳам бизда, умуман, қардош туркий халқ маданиятида халқ оғзаки намуналарини ижро этувчи ижодкорлар — бахшилар алоҳида ўрин тутаяди.

ларидан то замонавий маиший турмуш ҳамда қарашларнинг қайта-қайта по- этик мушоҳада қилинган бадий ифо- даларига кўришимиз мумкин.

"Бахши" сўзининг терма ва дoston-

формула тайёр қолиб бўлиб, бахши дostonини ана шу қолипга мослайди. Бироқ бу бахши фақат такрорлайди, янгилик яратмайди, дегани эмас. Ҳар бир бахши эпик формулага ўзича



Маълумки, эпик ижодкорлар деган- да биз Бахши(озан, оқин, жиров, соқи, сочи, юзбоши, санновчи ва ҳоказо)- ларни, халфалар(якка халфалар, жамоавий халфалар)ни, қиссахонлар- ни, эртасчиларни тушунаемиз. Эпик асарларнинг авлоддан-авлодга ўтиши да бахшилар алоҳида ўрин тутаяди. Ўз навбатида бахшилар ҳам маълум бир худуднинг локал хусусиятлари ҳамда ижро асбоблари, ижро услуби, ижро имконияти ва поэтик маҳоратига кўра фарқликларга эга. Эпик ижодкор ҳақида сўз юритаётганда, ана шу жи- ҳатларни эътиборда тутмоқ лозим бўлади. Инсониятнинг энг буюк каш- фиётларидан бўлган сўз санъати тари- хи жуда қадимий бўлиб, унинг илк илдизлари жаҳон халқларининг фольк- лори тарихи, яъни сўз санъати тари- хида ноэстетик ҳодисаларнинг эстетик ҳодисаларга айланishi билан боғлиқ. Сўз санъатининг илк ноэстетик илдиз- ларини жаҳоннинг барча халқлари

ларни ёддан куйловчи, авлоддан-ав- лодга етказувчи санъаткор, устод, ру- хоний, коҳин, маърифатчи, йўлбоши, жарроҳ, котиб каби кўлаб маънола- ри мавжуд. Бадий ижоддаги эпик ижодкор образида эса, юқоридаги кўпгина хусусиятлар қориниқ ҳолда келади. Бу эса ушбу санъаткорлар ҳақидаги тасаввурлар тизими ўзининг қадим илдизларига эга эканидан да- лолат беради. Бошқа туркий халқлар- да бахшиларни жанрдан келиб чиқиб номлаш ҳам мавжуд: қозоқларда жыр- чи (жырдан), олонхоч ("Олонхо"дан), улгирчи ("Улигер"дан), манасчи ("Ма- нас"дан). Қадимги Грецияда ҳам Аэд- лар билан Рапсадларни ажратилган. Аэдлар шоир бўлишган, рапсадлар эса ижрочи. Худди мана шунинг ўзиёқ ҳар бир ижрочи ўзи бир олам эканли- ги, уларга умумий бир нуктаи назар- дан баҳо бериб бўлмаганини, улар алоҳида-алоҳида ўрганилишига, тadbик этилишига муҳтож эканини кўрсатади.

ёндошади ва бу ёндошиш унинг не- чоғли иқтидорли эканини намойиш этади. Эпик формулалар қонунияти- ни билмасдан туриб, эпоснинг юзага келиш ва яшаб қолиши қонуниятини ҳам билиш мумкин эмас.

Америкалик тadbикотчи Альберт Лорд: "Халқ оғзаки ижоди ижро учун яратилмайдими, балки ижро этилаётган- да яратилади", дейди. Бахши куйлаёт- ганда эпос яна бир марта янгиланади, янгича мазмун, янгича оҳанг, янгича моҳият касб этади. Эпик формула де- ганда бирор фикрни ифодалаш учун маълум бир шаклда, яъни шеърий шаклда такрор-такрор учрайдиган сўзлар тизими, қуйма сатрлар назар- да тутилади. Бу худди тирик организм- га, тананинг суягига ўхшайди. Суяк тузилиши ҳаммада бир хил. Бироқ эти, оғирлиги, ранги ва, энг муҳими, дунё- қараш, тушунча ва руҳияти ҳаммада ҳар хил бўлади. Худди шундай эпик ижодда ҳам ижодкор эпик формулага

### Бошланиши биринчи саҳифада.

Бахшичилик санъати, асосан, Шарқда вужудга келган ва номига кўра қадимги Ҳиндистон билан боғлиқ — санскритчадаги "бхикшу" (қаландар, дар- веш) сўзига бориб боғланади. Кейинчалик, "бах- ши", "бахша", "бахши" ва бошқа шаклларда аксар- рият Шарқ халқлари тилида устоз, маърифатчи деган маъноларда қўлланган. Фарбда уни фақат қадимки юнонлар маданиятида кўришимиз мумкин. Қадимки Ҳиндистон таъсирида бўлса керак, бах- шиларни юнонлар дастлаб "аэдлар" (қўшиқчилар), кейинроқ "рапсадлар" (қўшиқ тўқувчилар) деб аташган, улар "Илиада", "Одиссея" каби йирик эпик дostonларни торли соз жўрлигида куйлаганлар.

шилиқ санъатининг бир неча ўзига хос мактаблар- рига эгамиз. Кўрғон дostonчилик мактаби, Булун- ур дostonчилик мактаби, Хоразм мактаби шулар жумласидан.

Ўзбек бахшичилик санъатида асарлар икки йўл билан куйланади. Бири — Сурхондарё-Қашқадарё- Самарқанд ижро усули. Унда дoston ё терма дўмби- ра жўрлигида, ички фарғара овоз билан, иккинчиси — Хоразм йўли; унда оддий, очиқ овоз орқали ижро этилади. Бахшичилик санъатининг Эргаш Жуман- булбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир каби улуг намоёндалари ўзбек халқ дostonчилиги на- муналарини яратганлар. Улар аънавий сюжет асосида ўзига хос ўлмас асарлар ижод этганлар. Халқ дostonларидаги тасвирлар, мажозийлик кўп

уйғунлашиб кетади. Масалан, Эргаш Жуманбулбул куйлаган "Равшан" дostonидаги қуйидаги парчага эътибор қилинг. Унда учур отнинг қандай йўл боси- шини тингловчи қуйидаги тарзда яққол идрок этади:

Кулон юрмас ерлардан  
Кўнаб ўтиб боради.  
Бўнаб юрмас ерлардан  
Бўнаб ўтиб боради.  
Қарсоқ юрмас ерлардан  
Қалқиб ўтиб боради.  
Бўнаб юрмас ерлардан  
Бўнаб кетиб боради...

Бу тасвирдаги аллитерациялар (оҳангдош то- вушлар) соз ва овоз воситасида от билан ахлит- лашиб кетган чавандоз қиёфаси ҳақида яхши та- саввур беради.

Бахшичилик санъатида наср, назм шак- ллари, саж, бармок вазинини турли кўри- нишлари ўз аксини топади. Улар гўзаллик, улғуворлик, мўъжизавийлик, кулгилилик каби эстетик хусусиятларнинг янада бўртиб кўзга ташланишини таъминлайди. Айни пайтда бу санъат тури мақол, матал ва ҳикматларга бойлиги билан катта тар- бивий аҳамиятга эга. Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган "Алпомиш" дostonидаги Бойсари тилидан айтилган мана бу сатрларни кинозвэй усулдаги ҳақиқий ҳикмат намунаси десак янглишмаймиз:

Давлат кўнаб бир қибшининг бошига,  
Семур қушлар салом берав қошига.

Бахшичилик сўз ва ижро санъатининг уйғунлиги сифатида ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. XX асрда устоз бахшиларнинг аънаваларини да- вом эттирган ва давом эттираётган улкан санъат- корлар етишиб чиқди. Хоразмлик Бола бахши, қаш- қадарёлик Қодир бахши, сурхондарёлик Шоберди бахшилар шулар жумласидан. Эндиликда уларнинг шогирдлари ҳамда ота касбини ихлол билан пухта эгаллаган фарзанд ва набиралари янги, кенг им- кониятлар доирасида бу қадимий санъатимиз до- врўгини ёйиш йўлида астойдил ижод қилмоқдалар. Илк бора мамлакатимизда ўтказилаётган ва бун- дан кейин аънавийлик касб этиши мўъжалланган Халқаро бахшилар фестивали бу санъат тури- нинг янада раванқ топиши ҳамда ўз тарихида би- ринчи марта жаҳон сахнасига чиқиши учун катта йўл очиб бериши, шубҳасиздир.

## БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ — ЧИН ҲИКМАТ НАМУНАСИ

Бизда бахшичилик санъати қадимдан машур бўлиб келган. Илмий тadbикотларда "Алпомиш" до- стонининг илдизлари Ҳомер эпослари билан туташ- иб кетгани қайд этилади. "Алпомиш" ҳам, бошқа алоҳида дostonлар ҳам, дostonлар туркумлари ҳам минтақамизда дўмбира, кўбиз ва дутор жўрлигида куйланади. Бахши — халқ дostonларини ёдда сақ- ловчи, меъёрига етказиб куйловчи, уларнинг ўзига хос вариантларини, версияларини яратувчи санъ- аткор. У, бир томондан, шоирлик истеъдодига эга бўлиши, иккинчи томондан, дoston, кўшиқ ёки тер- мани маҳорат билан куйлай билиши, "Худо берган овозга" эга бўлиши лозим. Бахшилик санъати қадимдан бизда, асосан, соф оғзаки ижод маҳсули бўлиб келган, бироқ XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб айрим бахшилар мадрасаларда тахсил кўрганлар ва баъзи асарларини ёзма тарзда ҳам қолдирганлар. Лекин бахшилар меросининг асосий қисми — дostonлар ва термалар, одатда, фольклор- шунослар томонидан ёзиб олинган, ҳозир ҳам бу аънава маълум маънода давом этмоқда. Бу санъат- нинг яна ўзига хос томони шундаки, унда "устоз — шогирд" аънаванаси қатъий тарзда ўрнатилган, дои- мо шунга амал қилиб келинади. Натижада биз бах-

ҳолларда муболага ва аллитерацияга асосланади. Натижада бадий қиёфа афсонавийлаштирилган, мўъжизавийлаштирилган тарзда гавдалантирилади. Масалан, "Гўрўгли" туркуми дostonларидаги баҳодирлардан бири — Ҳасан Кўлар бир тўйининг ошини ёб тўймайди, муртининг ичига каламушлар ин қуриб ташлаган ва ҳоказо. Ёки Амин бахшининг ўзбек баҳодирларига қаҳриқадди янғрайдиган мана бу муболага сатрларини олайлик:

Ариқ тубида андиз,  
Дарё тубида Кундуз,  
Тоғларни осмонга отинг,  
Тутдай тўқилсин юлдуз.

Дostonларда от ҳам асосий қаҳрамонлардан бири. "Алпомиш"да Бойчибор, "Гўрўгли" туркуми дoston- ларида Фирот (Фирқўк) худди одамлардай тасвирла- нади. Айни пайтда уларнинг учқурлиги фавқуллодда ва ранг-баранг ўшатишлар воситасида таърифлана- ди. Масалан, Фирот "қулгоини қалам, думини алам қилиб" елиб боради. Яъни Фирот — муқаддас от, унинг қулгои инсоният учун муқаддас бўлган, уни уланган адл қамиш қаламга, думи қадимий популки кутлуг байроққа ўхшатилади. Дostonларда турли бадийий воситалар бахшининг овози ва дўмбира оҳангларига

"Дала-дашда отлар уюрига тез-тез дуч келаман. Аргумоқлар мени тилсимлар дунёсига бошлаётгандай бўлади. Умр бўйи улар изидан юраман, бироқ чарчамайман... Бу жониворларнинг ёлини силамай ўтган кунларимни эслай олмайман", дейди Қанотбой оқсоқол. Умр бўйи отга меҳр ришталарини боғлаган, ҳаётини отсиз тасаввур этолмайдиган отахоннинг бу содда, бироқ самимий эштирофида теран ҳикмат бор...

Қанотбой оқсоқол таниқли ёзувчи Хамдам Эшонкуловнинг "От билан учрашув" номли қиссаси қахрамони. Қисса ҳужжатли, от ишқибози ҳаётда бор одам. Муаллифнинг "Бир жуфт олтин узанги" номли ҳикоялар, ҳико-

лияти давомида Одам Атодан мерос қадим касб соҳиблари — чўпонлар ҳаёти, чорвачилик муаммолари, бу захматталаб меҳнат кишиларнинг фидоийликлари ҳақида кўп ва кўп ёзди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик

зорни кўриб тўқилликка интилсақ, қорли тоғлар этагида туриб қадимизни ростлаймиз, юксак мақсадлар билан яшагимиз келади. Зеро, табиат — улғу муаллим, эҳд билан кузатган одам ундан чинакам ҳаёт сабоқларини ола билди. Хамдам Эшонкуловнинг китобларини ўқиганда бунга тақрор ва тақрор иқроқ бўлаемиз. Чунончи, уруш ва ҳақатчиликнинг минг бир машаққати дучор бўлган "Тоғамнинг эркаси" қиссаси қахрамони азоб-уқубатларни ўзининг суюмли отига чексиз меҳри туфайли энгиб ўтади, тилсиз жонивор унга бардош ва сабр-матонат "улашади", шу



Шунчаки қараганда чўлу биёбонларнинг вазмин сокинлиги, пурвиқор тоғлар суқунати зерикариликке туюлади. Адиб бизни табиат оламининг ичкарасига, мавжудлик ва ҳаракат дунёсига олиб киради: бу ерда яшаш учун кураш, насл қолдириш, оғоҳлик, тадбир билан ҳаракат қилиш, содиқлик ва раҳм-шафқат, бир сўз билан айтганда, ҳаёт қайнайди. Уларни кўриб-кузатиб беҳиётиёр одамларга хос ҳусусият, ҳислат ва фанилатларнинг асл дояси табиат эканига иқроқ бўлаемиз.

## МЕҲР ЧАШМАСИ

ятлар, ривоятлар жамланган китобидаги барча қахрамонлар замондошларимиз. Ёзувчи асарларига мавзунини ҳам, қахрамонларини ҳам, улар билан боғлиқ воқеалар, саргузаштларини ҳам ўзи туғулиб ўсган заминдан — Оқтов ва Қоратов бағридан, Қизилқум чўлидан топган.

компанияси бош тахририятида чоп этилган меҳнат фидойилари ҳақидаги "Ўзини аямаган одамлар", "Қизилқум алплари", кейинги йилларда нашрдан чиққан одамлар ва жониворлар ҳақидаги ҳаётини қисса, ҳикоят, ривоятлар жамланган "Сахро мўъжизалари ёхуд она табиатнинг сир-синаотлари" ("Мухаррир" нашриёти), "Оқтов ҳикматлари" ("Академнэшр") китобларида муаллиф ўзи кўрган-кузатган воқеа-ходисалар, тақдирлар, қисматлар, ҳайвонот ва наботот оламининг турфа мўъжизалари ҳақида ҳикоя қилади.



Хамдам Эшонкулов машҳур баҳши бобомиз Эргаш Жуманбулбул ўғли жўшиб-тошиб куйлаган Оқтов этагидаги Нурота шаҳрида туғилган, бу диёрнинг фусункор табиати бағрида вояга етган. Ярим асрдан зиёд ижодий фао-

Дарвоқе, юқорида Қанотбой оқсоқолнинг эштирофида ҳикмат бор, дедик. Аслида бундай ҳикматлар табиатнинг ўзида бор — улар чиндан мўъжизалар, сир-синаотлар маконида туғилган. Гайрату шижоат, садоқат тимсоли бўлган отга меҳр, аслида, борлиққа, табиатга инсоннинг меҳрли кўз қаршидан пайдо бўлади. Табиатдаги беҳиёс уйғунлик кўнгилларни эзгу туйғуларга тўлдирди: шовуллаб турган дарахт-

зилатларнинг асл дояси табиат эканига иқроқ бўлаемиз.

## Умр ибрати

Энг муҳими, Хамдам Эшонкулов китоблари ҳаётдан олиб ёзилган, унда оддий турмуш уринишлари, содда, бироқ бағрикенг дашт одамларнинг қиёфалари жонли тасвирланган. Бу китобларда ҳаёт, тирик оламнинг тиниқ лавҳалари бор, ўзларининг бахту таъшишлари билан машғул одамлар бор. Назаримда, уларни ўқишда қилган яна бир жиҳат шундаки, муаллиф қундалиқ оддий ҳаёт замиридаги шавқ, сурурни кўрсата олган. Бу эса ўқувчи кўнглига яшаш иштиёқи нечоғли тотли неъмат, деган эзгу маслақни сингдиради. Аслида ёзувчи сўзининг аҳамияти ҳам шунда бўлса керак.

Умр бўйи табиат бағрида — Нурли булоқдан сув ичиб, Қизилқум барханлари, Оқтов, Қоратовларни кезиб, ўзидай камтар, самимий, тоза кўнгли, нияти пок чўпонлар, чавандозлар, қалқик шайдолари, эгарсоз хунармандлар отбоқлар давраларида юрган ёзувчининг ижод намуналарини ичдан ёритиб турган мунаввар нур бор: бу нур юрт табиатига, жонфидо юртдошларига адибнинг улкан меҳр-муҳаббатидандир.

Эзувчи тасвир ва талқинда ҳолис, самимий, саргузаштларга бой ҳикоя ва қиссаларида воқеалар бағнига берилиб кетмайди. Услубини ҳам юрти табиатига, юртдошларга меҳри белгиланган: сурурли, ҳис-ҳаяжонга бой. Ҳар қандай ҳолат, вазият тасвирида табиат ва инсон ўртасидаги азалий уйғунлики назардан қочмайди.

Таниқли адиб ўзининг самарали ва ибратли умрининг саксончиник довоинида ошиб ўтаётган экан, "Хорманг, устоз! Юртингиз, юртдошларингизга самимий меҳрингиз чашмаси доимо Нур Чашмасидек тиник, жўшқин, қайноқ бўлсин!" деймиз.

Аҳмад ОТАБОЕВ

## "ЮРАГИМНИНГ ЖЎРИ БЎЛГАН ДЎМБИРАМ"

Янги нашр

Баҳшичилик — инсониятнинг санъат сари қўйган илк қадамларидан бирidir. Сўздаги сирли мутаносибликни, улар фикру оҳангни омикта этилганда пайдо бўладиган сеҳр-қудратини қадим боболаримиз ҳис қилганлар ва бу ҳис қилиш натижасида пайдо бўладиган қудрат уларга мастона қайфият бахш этган. Баҳши дўмбирасидан таралаётган куй ва достон ижроси сеҳрини тинглаган борки, бундан ўзгача завқ туйди, ўзга оламга тушиб қолгандек бўлади. Атоқли шоир Усмон Азим ибораси билан айтганда, баҳшилар "Туронзамин Ҳомерлари" шомни тонгга улаб халқ достонларини ижро этишган. Ўзбекининг юксак, мард феълу атворини мана шундай шеър қўшиқча чулганган тунлар ҳам яратган.



Президентимиз ташаббуси билан халқ озаки иходининг ноёб дурдоналарини кенг тарғиб қилиш, эл суйган достонларни мароқ билан куйлаб келаётган баҳшилар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилаётган гамхўрликлар баҳшилар қаторида тадиққотчи-ижодкорларни ҳам руҳлантирди. Сурхон воҳасида Халқаро баҳшичилик санъати фестивалининг ўтказилаётгани асрлар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган достонларни, изланувчан баҳшилар томонидан яратилган термаларни китоб ҳолида чоп этишга қизиқиш ва интилишни янада кучайтирди.

Яқинда "Академнэшр" нашриётида чоп этилган "Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам" номли китобда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида фаолият юритган ва ҳозирда элга хизмат қилаётган баҳшилар иходидан намуналар келтирилган, уларнинг ҳаёт йўлига қисқача тўхталиб ўтилган. Қолаверса, дўмбира ясовчи усталар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Китоб узок йиллик машаққатли меҳнат самараси бўлиб, тўпловчи Ўқтам Ҳакимов деярли ҳар бир баҳши билан учрашган, улардан термалар ва достонлардан парчалар ёзиб олган. Бу ижод намуналарининг аудиоёзувлари ҳам илова қилинган китобнинг қадрини янада оширади. Мазкур тўплам баҳшилар мактаби ўқувчилари, маданият ва санъат йўналишидаги таълим муассасаларининг талаба ва ўқувчилари, шунингдек, халқ озаки бадиий ижодига қизиққан кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йил давомида яратиладиган, мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, халқимиз, ёшлар қалбига юксак ватанпарварлик туйғуларини шакллантирадиган, уларни эзгу мақсадлар, бунёдкорлик йўлида меҳнат қилишга даянат этидиган тарихий ва замонавий мавзулардаги энг яхши шеър, насрий, драматик, бадиий-публицистик асарлар учун

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### Танловга тақдим этиладиган асарлар:

- юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилаётган ютуқ ва натижалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар, ислохотлар қўлами ва аҳамияти, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги туб ўзгаришлар;
- мустақиллигинингизнинг халқимиз ҳаётидаги беҳиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси, бой маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ҳаётга ўрни ва аҳамияти;
- она заминимизда туғилиб вояга етган буюқ тарихий шахслар, мутафаккир ва алломалар ҳамда халқ қахрамонларининг ҳаёти ва фаолияти, оламшумул маънавий мероси;
- Ватанимиз мустақиллиги йўлида курашган фидоий инсонлар, қахрамонларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ибратли ҳаёти, аини кунда ушбу соҳада жонбозлик кўрсатиб хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётда эришаётган натижалари;
- юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари, тадбиркорларга яратилаётган кенг имкониятлар, ижтимоий соҳаларни янада ривожлантириш борасидаги ўзгаришларнинг халқимиз ҳаётидаги улкан аҳамияти;
- мамлакатимизда ёшлар тарбияси ва камолоти йўлида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, китобхонлик, унинг болалар ва ёшлар кўнглига эзгу орзу ва мақсадларни уйғотишдаги, маънавиятини юксалтиришдаги беҳиёс ўрни;
- республикамизда диний қадриятларнинг улуғланиши, жумладан, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий тадиққот маркази, Ислам цивилизацияси маркази, Ислам академияси, Ҳадис илми мактабининг барпо этилиши, улғу аждодларимиз зиёратхоналарини обод қилиш, уларнинг меросини ўрганиш билан боғлиқ жараёнлар ҳаётини руҳда, юқори бадиий савияда акс эттирилиши лозим.

Танловда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари билан бир қаторда барча ижодкорлар иштирок этиши мумкин.

Асарлар жорий йил 1 ноябргача қабул қилинади. Ҳакамлар ҳайъати танловга тақдим этилган асарларни ўқиб, баҳолаб боради. Голуб деб топилган асарлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси муассислигидаги адабий нашрларда ҳамда "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида китоб ҳолида чоп этилади. Муаллифларга эса имтиёзли қўлам ҳақи тўланади. Танловга асарлар икки нусхада (компьютерда Times New Roman шрифтида, 1,5 интервалда кўчирилган) ҳамда уларнинг электрон нусхалари тақдим этилиши лозим.

### Мурожаат учун манзил:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, Адиблар хийбони. Телефон: 231-83-67. Электрон манзил: info@ijod.uz

"Ўзбекино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кино-сценарийчи ва режиссёр

### Рихсивой МУҲАММАДЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекино" Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Киноарбоблари ижодий уюшмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кино-режиссёр

### Дамир САЛИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Хумоюн АКБАРОВ

## ДАШТ ЮЗЛАРИ ҚИЗАРДИ — ЛОЛА



Бошланиши биринчи саҳифада.

Бу сўхбатлар Даштқўтонга, Деҳқонобод калий заводи ишчи-хизматчилари Наврўз байрами тадоригини кўраётган кенгликка борганимизда бўлиб ўтди. Заводнинг ташкил топганига ҳали ўн йил тўлмаган бўлса-да, ўзига хос анъаналари шаклланиб улгурган: ишчилар бир оила фарзандларидай ўзаро меҳр-оқибатли, касб янгиликларини ўзлаштиришга, фарзандларини давр талаблари даражасида тарбиялашга, меҳмондўстликка интилишда. Улар халқимизнинг эзгу фазилатлари, урф-одатларини ўзида мужассам этган Наврўз айёмини меҳр билан, кўтаринки руҳда қутиб олишга одатланишган. Бу йил Наврўз нафақат завод жамоаси, балки бутун туман ахли иштирокида бепоён Даштқўтонда ўтказиладиган бўлибди.

Завод бош директори Ҳамидулла Шерматов ва туман ҳокими Зоир Алиқуллов эртанги байрам тadbирини маслаҳатлашиб, китоб кўргазмаси, болалар аттракцион, спорт майдончаси сингари кўплаб қизиқарли, кўнгилочар тadbирлар уюштиришни келишиб олишди.

Мана шу ёқимли юмушлар билан елиб-югуриб юрган кишиларга қараб Наврўз байрами йил сайин тобора янгилашиб, ёшариб, бойиб бўлишига ишонасиз. Зеро, китоб кўргазмаси ҳам, ҳарбийларнинг кўргазмалари чиқишлари ҳам болалар учун жуда қизиқарли, тарбиявий аҳамияти муҳим тadbирлардир.

Икки томонда тикилган ўтовларнинг юқорисида баланд саҳна қилиниб, атрофини гул ва байроқчалар билан безатаётган усталарга "Хорманлар" деб ўтарканимиз, Ҳамидулла ака кўнглидаги гапни айтиди:

бўлса, 2018 йил якунига кўра бу кўрсаткич 304,0 минг тоннага ортган.

Эртаси куни завод ишчи-хизматчилари Наврўз байрамиди Даштқўтон кенглигида, барча қариндош-уруғлари, ҳамқишлоқлари билан бирга нишонладилар. Байрамнинг асосий тadbирларидан бири — деҳқонободлик оилаларнинг йигирма нафар ўғилчасига хатна тўйи ўтказилди, уларга моддий ёрдамлар кўрсатилди. Кен сайхонлик атрофида тикилган ўтовлардаги давра тўрида ўтирган боболар ва момолар юртга тинчлик тилаб дуо қилдилар. Мана шундай ўтовлардан бирига кирганимизда биргина ноннинг йигирма икки хилини, ўнлаб миллий ва Наврўз таомларини кўриб, дастурхонимиз тўқинлигига, ризиқимиз бутунлигига шукрона келтирдик.

Тонгда бошланган байрам тобора қизгин тус олиб, тушдан кейин кўпқарига уланди. Барча туманлар ва кўшни вилоятлардан келган чавандозлар учун Даштқўтон кенгликлари мардлар майдонига айланди. Наврўз бир кунлик байрам эмас, табиатга уйғун тарзда тоғу тошлар, дала-дашларга уйғонган экан, инсон қалбига янги орзу-ниятлар туғилиб, бунёдкорликка чорлайверади.

боғчамиз ҳам, соғломлаштириш маркази ҳам, катта тadbирлар ўтказиладиган залимиз ҳам, беш минг китоб фондига эга кутубхонамиз ҳам нафақат заводга, балки шу туман ахлига, деҳқонободликларга хизмат қилади. Завод ишчи-хизматчилари томонидан бунёд қилинган ўрикзор, олазорлардан иборат йигирма гектардан зиёд янги боғларимиз бу йил мевага қиради. Икки мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган заводимиз ҳозир йигирмага яқин хорижий давлатларга маҳсулот етказиб берапти, йилдан-йилга ишчилар соани ҳам, чиқарилаётган маҳсулот миқдори ҳам ортиб борапти.

Сўхбатимиз доираси кенгайиб, заводнинг келажаги, кўзда тутилган режалар, малакали ишчилар тайёрлаш, уларнинг хорижий корхоналар тажрибаларини ўрганиши учун яратилган шароитлар ҳақида гаплашдик. Албатта, Жуманазар ақанинг бу гапларини завод фаолияти билан яқиндан танишган кишининг тўлиқ англаши қийинроқ. Мен танишувни дастлаб смена бошлиғи Ойбек етакчилигида Тепакўтон тоғ-кон мажмуидан келтирилган хомашё захираси турадиган жойдан бошлаб бутун бир ишлаб чиқариш жараёнини кўриб-кузатдим. Хар бир иш ўрнида малакали ходимлар меҳнат қилаётгани, иш жараёни узлуксиз занжирдай бардавонлиги мени ҳайратга солди. Завод фаолиятининг юксак самарадорлиги, бунга эришиш йўлидаги фидокорона меҳнатлар ҳақида яхлит бир китоб ёзиш мумкин, ammo бу ўринда қуйидаги фактлар билан чекланамиз: завод 2014 йили 160,6 минг тонна калийли ўғит ишлаб чиқарган

\*\*\*

Албатта, Деҳқонобод осмони бизга ҳам илҳом бағишлади: майин ёмғир нафасида, ложувард булутлари остида янги шеър туғилди:

Шивир-шивир... Бошлади ёмғир, Самолардан келтирдими сир? Тошдан тошга охуздай чопди, Сўқмоқларга поёндоз ёпди. Воқиф бўлгач сирдан кир, дала, Дашт юзлари қизарди — лола... Тоғлар сирни тошга ўйдилар, Аммо боғлар гуллаб қўйдилар.

Албатта, Деҳқонобод осмони бизга ҳам илҳом бағишлади: майин ёмғир нафасида, ложувард булутлари остида янги шеър туғилди:

Шивир-шивир... Бошлади ёмғир, Самолардан келтирдими сир? Тошдан тошга охуздай чопди, Сўқмоқларга поёндоз ёпди. Воқиф бўлгач сирдан кир, дала, Дашт юзлари қизарди — лола... Тоғлар сирни тошга ўйдилар, Аммо боғлар гуллаб қўйдилар.

Хумоюн АКБАРОВ

**O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI**

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир Ўқтам МИРЗАЁР

Ҳа.иқори.иш: akfa

Тахририятга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА  
Саҳифаловчи — Зафар РҶЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.  
Алали — 6349. Буюртма Г — 455.  
Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.  
Нашр кўрсаткичи — 222.  
Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Босмахона манзили: Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти — 21.45.  
Босишга топширилди — 21.25

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.  
СОТУВА НАРХИ ЭРКИН.  
ISSN 2313-614X  
1 772 1 81 1 4 0 0 0

Тағини ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40  
Назм ва наср бўлими: 233-58-60